Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 1996 йил 4 декабрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 92 (6789)

Даъват

Илм бир чироқ-дурким, сени роҳат ва фароғатга ҳеч бир заҳматсиз етказади.

АБУ ЛАЙС АС-САМАРҚАНДИЙ

Ибрат

Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти ҳузурида математика, физика, химия фанлари бўйича ихтисослашган лицей очилди. Лицейга 100 нафар иқтидорли ўқувчи танлаб олиниб, улар юқори малакали мутахассислар томонидан сабоқ олмоқда. Тингловчилар бир йўла хорижий тилларни ва замонавий компьютер асосларини ҳам чуқур ўрганишмоқда.

ПОРТУГАЛИЯДАГИ УЧРАШУВЛАР

Давлатлараро ҳамкорликни ривожлантириш учун хавфсизликни таъминлаш, минтақаларда аҳолининг тинч-тотув яшашига шарт-шароит яратиш бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан биридир. Шунинг учун ҳам Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ)га аъзо мамлакатлар ва ҳукумат бошлиқларининг Португалия пойтахти Лиссабонда ўтказилаётган учрашувида «XXI асрда Европа учун умумий ва кенг миқёсли хавфсизлик модели» муҳокама қилинаётир. Бу учрашувда Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳам иштирок этмоқда.

Умуман Лиссабон шаҳрининг «Белем» маданият марказида иш бошлаган бу улкан анжуманга ЕХҲТга аъзо бўлган 54 мамлакат, давлат ва ҳукумат бошлиқлари таклиф этилган. Шунингдек, саммитда БМТ Бош котиби вакили, Урта Ер денгизи мамлакатлари — Жазоир, Миср, Исроил, Марокаш, Тунис ҳамда Япония ва Корея Республикаси раҳбарлари ҳам иштирок этмоқда.

Учрашув давомида ЕХҲТ ташкилоти фаолиятининг устивор йўналишлари белгилаб олинади, ЕХҲТ доирасида давлат ва ҳукумат бошлиқлари учун умумий манфаатларга дахлдор бўлган масалалар бўйича фикр алмашилади. Лиссабон саммити чоғида умумий декларация ва хавфсизлик модели бўйича деклорация қабул қилиниши кўзда тутилган.

Лиссабондан Фахриддин Низомнинг хабар қилишича, саммитнинг ялпи мажлисини Португалия Бош вазири Антонио Гутерриш кириш сўзи билан очди. ЕХҲТнинг айни пайтдаги раиси, Швейцария ташқи ишлар вазири Флавио Котти анжуман иштирокчилари эътиборини ташкилотининг хавфсизликни таъминлаш, уруш ўчоқларини бартараф этиш борасида амалга оширилаётган тадбирларга қаратди.

Ялпи мажлиснинг очилиш маросимида БМТ Бош котиби вакили Михаил Петровский, ЕХҲТ парламент ассамблеяси раиси Хавнер Руперс сўзга чиқдилар. Шундан сўнг ЕХҲТга аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқлари сўз олдилар.

ЕХҲТнинг Лиссабон саммитида иштирок этаётган Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 декабрда Исроил Бош вазири Б. Нетаньяху билан учрашди. Учрашув чоғида Узбекистон ва Исроил ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

● Америка Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтон Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ўзининг иккинчи муддатга Президент этиб сайланганлиги муносабати билан юборган қизғин табригига самимий миннатдорчилик мактуби йўллади.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 ноябрь куни Корея Республикасининг «ДЭУ» компаниялар гуруҳи раиси Ким У Жунг раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Унда ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва давом эттириш хусусида фикрлашиб олинди.

● Мамлакатимиз тўқимачилик саноат корхоналари қаторига эндигина қўшилган, юксак жаҳон талабларига жавоб берадиган «Кобул — Тўйтепа текстиль» Ўзбекистон — Корея қўшма корхонаси жамоасига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов табрик хати йўллади.

● Ўзбекистон маданиятини юксалтиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, миллий маънавият соҳасидаги улкан фаолияти ҳамда мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги самарали хизматлари учун Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.

● Бухорода республика Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий масалалар, фан, таълим ва маданият мажмуининг кўчма мажлиси бўлди. Уни Бош вазир ўринбосари Алишер Азизхўжаев бошқарди.

● Молдовада Президент сайловларининг иккинчи тури якунига кўра мамлакат парламент раиси Петр Лучинский Президент лавозимини эгаллади. Собиқ Президент М. Снегур қирқ фоиздан кўпроқ овоз олган.

● Руслан Хасбулатов Чеченистонда Президент сайловлари ўтказишни Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти ихтиёрига беришни таклиф қилмоқда.

● Араб давлатлари уюшмасининг Қоҳирада бўлган анжумани қатнашчилари Исроилнинг босиб олинган Фаластин ерларида исроилликлар учун тураржойлар барпо этиш ҳақидаги режасини кескин қораладилар.

● Англияда ҳукмрон Консерватив партия билан ҳал қилувчи вазирликлар раҳбарлари 1999 йилда Европа ҳамжамиятининг ягона пул бирлигига ўтиши масаласида бир фикрга келиша олмаяпти.

ХАЛҚЛАРИМИЗ ДЎСТЛИГИНИНГ РАМЗИ

Ўтган ҳафта Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди. 28 ноябрь куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов Хоразмга ташриф буюрдилар. Қадимий Хева шаҳрида буюк туркман шоири Махтумқули ҳайкали очилди. Қуйида Ўзбекистон Президенти И. Каримов ва Туркманистон Президенти С. Ниёзовнинг буюк шоир ҳайкали очилиши муносабати билан бўлган тантанали митингда сўзлаган нутқлари эълон қилинмоқда.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ НУТҚИ

Ҳурматли Сапармурот Отаевич!

Муҳтарам меҳмонлар, азиз дўстлар!

Бугун биз қадимий ва ҳамиша навқирон Хева шаҳрида учрашиб турибмиз. Кўп асрли тарих ва бебаҳо маданиятга эга, қанчаданқанча буюк зотларга таълим ва тарбия берган Хева шаҳри бутун дунёга маълум ва машҳур табаррук маскандир.

Қадим Хоразм диёрида азал-азалдан илму фан, санъат ва ҳунар равнақ топиб, гуллаб-яшнаган. Юртимиздаги дастлабки Байтулҳикмат – академиялар, хусусан, Маъмун академияси ҳам айнан шу ерда вужудга келганини доимо фахру ғурур билан эслаймиз. Бу ўлкадан етишиб чиққан Муҳаммад Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний-дек даҳо аждодларимиз жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшиб, ўз ақл-заковати, ўз салоҳияти билан элу юртимизнинг, халқимизнинг номини оламга тараннум этдилар.

Бу қўҳна заминда не-не буюк инсонлар, не-не алломаю шоирлар, азиз-авлиёлар ўтган.

Оламга донги кетган ва ўз юртида юлдуз каби чақнаб, тарихда ёрқин из қолдирган шу буюк зотлар қаторида туркман халқининг улуғ шоири Махтумқули Фироғий алоҳида урин эгаллайди.

Махтумқули ўзбек халқига ҳам, туркман халқига ҳам бирдек азиз ва суюкли сиймодир.

Азиз биродарлар!

Дунёда элу элатларни, халқларни бир-бирига ҳамкору ҳамқадам қиладиган восита ва омиллар кўп. Узбек ва туркман халқлари тарихида ҳам бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Аммо Махтумқулининг икки халқнинг дарду аламини, орзу-армонларини, маънавияти ва қисматини яқинлаштиришда, яъни икки халқ қалбини бир-бирига пайванд этишдаги хизматлари, айниқса, беқиёс ва унутилмасдир. Унинг теран донолик билан йўғрилган биргина ҳикматли байти бу борадаги кўплаб саъй-ҳаракатлардан кўра минг марта афзалдир, десак, асло муболаға бўлмайди.

Махтумқули одамларни ҳамиша иймон-эътиқодли бўлишга, ҳаётда ўзидан яхши

(Давоми 2-бетда)

ПРЕЗИДЕНТ САПАРМУРОТ НИЁЗОВ НУТҚИ

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Азиз дўстлар, биродарлар!

Энг аввало, Сизга, Сиз орқали бутун қардош ўзбек халқига Туркманистон халқининг улкан, самимий саломини етказмоқчиман.

Бугун биз иккала халқ учун ҳам муҳим бўлган воқеа – буюк Махтумқули ҳайкали очилишида иштирок этмоқдамиз. Мен буни ўзбек халқининг, унинг раҳбарларининг Махтумқули адабий меросига бўлган улкан эҳтироми, ўзбек халқининг туркман қардошларига самимий муносабати белгиси деб биламан.

Махтумқули – ҳаммамизнинг шоиримиз ва мутафаккиримиз, у бизнинг қадр-қимматимиз, шарафимиздир. Махтумқули асарларини ўқимаган, уни ўрганмаган, севмаган биронта туркманни ҳам, ўзбекни ҳам топиб бўлмайди. Унинг шеърларига битилган қўшиқлар бизнинг бахшиларимиз учун ҳам, сизнинг бахшиларингиз учун ҳам ўзига хос дуога айланган. У яратган асарлар руҳимизни поклашда, ақл ва қалб тиниқлигини сақлашда, бизга куч-қувват бағишлайди, инсон шахсига ҳурмат, кишилар ўртасидаги эзгу муносабатлар анъаналарини муқаддас билиб асрашга эҳтиёж уйғотади, олдимизга қўйган мақсадларга эришишимизга ёрдам беради.

Сизларнинг қадимий ва мангу навқирон шаҳарларингиз – гўзал Хева заминида, Шарқнинг илмий ва маданий марказларидан бирида буюк шоир ва мутафаккир Махтумқули ҳайкали очилиши тарихимиз ва тақдиримиз умумийлигининг ёрқин гувоҳидир. Махтумқули айнан мана шу ерда, Хевада буюк Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийнинг меросидан баҳраманд бўлиб, ўз фалсафа ва дунёқарашини камолга етказган эди. Бу номлар уни шеърият оламида Жамшиддиннинг сеҳрли косаси сингари рамзий ном олган шоир сифатида шакллантирди.

Махтумқули ҳар доим бу замин ва унинг халқига катта эҳтиром билан қараган, меҳрини: «Илм, билим олган ҳар қандай киши сени унутмайди, мен кетяпман, яхши қол, эй, гўзал Шерғози» деган сатрларда ифода қилган эди.

Шерғози мадрасасида олган таълим ва тарбия туфайли юксакка кўтарилган Махтумқулининг ўзи ҳам қадимий Хеванинг шуҳратига шуҳрат қўшган эди.

Тарихдаги оғир кунларда Махтумқули асарлари халқларимиз сув ичган олтин косага таққосланган эди. Унинг миллий ўзликни англашга бўлган

(Давоми 2-бетда)

Барча бойликлар манбаи ер. У инсонни боқади, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига тириклик бахш этади. Она заминимиз эса сукутда, оёқларимиз тагида вазмингина нафас олиб ётибди.

Тошкент шаҳридаги А. Дўсматов номли мактаб ёш биологлари ерни севишади, қадрлашади. Устозлари Мунира Исамуҳаммедованинг тарбиясини олаётган ёш табиатшунослар мактаб боғини обод қилиб юборишди. 250 туп мевали дарахтлар ҳадемай ҳосилга киради.

СУРАТДА: табиат ошуфталари дарахтларга ишлов беришяпти.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Ҳурматли муштарийлар!
Обуна мавсумининг тугашига ҳам саноқли кунлар қолди. Обуна бўлишга шошилинг.

●

Ахборотнинг, янгиликнинг халқ таълими тизими ходимлари учун аҳамияти қандай? Бу ҳақда «Маънавият — давлат миқёсидаги масала» сарлавҳали суҳбатда ўқийсиз. (2-бет).

Тажриба, синов, натижа

СИНФ РАҲБАРИНИНГ МУЛОҚОТ ДАФТАРЛАРИ

Мактабни шўх дарёга қиёслагим келади. Дарё тўлиб-тошиб оқаверади. Мактаб ўқувчилари ҳам янгиланаверади. Улар ўқишни тугатиб, мустақил ҳаёт денгизида сузиб юришади. Дарё тўлқинлари баъзан шиддат билан майда тошларни қирғоққа чиқариб ташласа-да, оғир тошларни жойидан ҳам қўзғата олмайди. Худди шунингдек, ўқитувчиликнинг оғир юкини кўтаролмаган, ўқувчиси қалбини забт этолмаган муаллимлар тезда мактабни тарк этадилар. Узоқ йиллар ишлаб, бахтини шогирдлари камолида топаётганлар эса бу кутлуғ даргоҳдан узилгилари келмайди.

Ваҳоланки, ўқитувчи зиммасидаги вазифалар ниҳоятда кўп. Унинг вазифаси фақат ўқитиш ва тарбиялашдан иборат эмас. Албатта, ўқитувчи синф раҳбари бўлиб, у бу номни ҳам оқлаши керак. Тажрибали синф раҳбари ишни ўқувчилар характерини ўрганишдан бошласа, ёш синф раҳбарлари дарҳол дўқ-пуписага ўтишади. Натижада келишмовчиликлар, норозиликлар келиб чиқади, ўқувчилар синф раҳбаридан безиб қолишади. Тажрибадан маълумки, аввало, ширин сўз ва хушмуомалалик билан ўқувчилар кўнглига йўл топиб, сўнг талабчанликни ошириб борган маъқул.

Синф раҳбари — саралар сардори бўлиб, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ҳурматига сазовор бўлсин! Айрим ўқувчиларнинг синф раҳбари орқасидан «Ана, қози келяпти» ёки тарбиявий соатни «Жазолаш соати ўтаркан-да» дейишлари кўнглимга оғир ботади.

Мен иккита синфга раҳбарлик қиламан. Бошида қийин бўлди, ҳозир эса қуникиб кетдим. Негаки, кўп ишларни ўқувчиларимнинг ўзлари бажарадилар. Аввало, ота-оналар билан мулоқот дафтари тутдим. Ҳар бир ўқувчига дафтар тутгириб, унга саволлар ёздирдим. Масалан: 1. Оилада нечта фарзандингиз бор? 2. Қизингиз (ўғлингиз) билан қандай тил топишасиз? 3. Ёлғон гапирса, қандай чора курасиз? 4. Дарсга келмаса ёки қочиб кетса, қандай йўл тутганим маъқул? 5. Уй ишларида ёрдамлашадими? 6. Кўпроқ нималарга қизиқади? 7. Дарсдан жавоб сўраса, рухсат берайми? 8. Ота-оналар мажлиси йилига неча маротаба ўтгани маъқул? 9. Дарслар ҳақида мулоҳазаларингиз. 10. Синф раҳбарига таклифингиз.

Ўқувчилар бу дафтарни ота-оналарига бериб, бир ҳафта ичида тўлиқ жавоб ёзиб беришни илтимос қилдилар. 10-15 кунлар ўтгач, жавоблар ёзилган дафтарларни йиғиб олдим ва ҳар бирини синчиклаб ўргана бошладим.

Айрим ота-оналар: ўғлим ёки қизим билан ширин муомалада бўламан, айримлари эса у билан ҳисоблашмайман, қаттиққўлман деб жавоб ёзишибди. Албатта, оилада ширин муомалага ўрганган болага салгина қаттиқ гапирсангиз хафа бўлади. Улар билан авайлаб муомала қила бошладим. Қаттиққўл ота-онанинг фарзандларига эса икки гап ортиқча, уларга аниқ вазифа бериб, талабчанликни ошира бордим.

Айрим ота-оналар: фарзандим ёлғон гапирмайди, сабаб кўрсатиб, дарсдан жавоб сўраса, рухсат беринг, деб ёзишган. Кузатсам, бу ўқувчиларимнинг айримлари баъзан алдайди, бугун шифокорга бормоқчи эдик, деб жавоб сўрайди. Аслида эса, бундай эмаслигини сезиб тураман. Шундан сўнг кимга рухсат керак бўлса, ота-оналар мулоқот дафтарига ёзиб юборадиган бўлдилар. Ўз-ўзидан давоо-

(Давоми 2-бетда)

Иқтисодий таълимни такомиллаштириш йўллари кўп.

3-бетдаги «Математикада иқтисод таълими» мақоласи шу ҳақда.

Олий ўқув юртларида

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

ТошДУ қошидаги олий педагогика институти Х чақириқ тингловчилари ва институтнинг профессор ўқитувчилари билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганининг тўрт йиллигига бағишланган умуминститут йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни институт директори тарих фанлари доктори, профессор Ш. Шаропов очди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президент девонининг масъул ходими юридик фанлари доктори, профессор Хўжамурот Одилқориев ва яна бир неча таниқли олимлар маъруза қилдилар.

Маърузаларда «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари», «Ташқи сиёсат», «Фуқаролик», «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари», «Фуқароларнинг бурчлари» ва «Оила» ҳақидаги бобларида Конституцияда кўрсатилган моддалар ҳақида суҳбатлар бўлди.

Тожиддин ҒАЙБУЛЛАЕВ.

ХАБАРЛАРИ — МММ

ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

Андижон вилояти болалар кутубхонасида «Қонун барчага баробар» мавзусига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Унда Андижон шаҳридаги 1-, 2-, 37-ўрта мактаб юқори синф ўқувчилари иштирок этишди. Кечада ўқувчиларни қизиқтирган саволларга вилоят маданият бошқармаси етакчи мутахассиси Мўминжон Абдувалиев ва вилоят халқ ижодиёти маркази директори Азимжон Рузиевлар жавоб бердилар. Йиғилишда чиқарилаётган қонунларни ҳаётга тадбиқ қилиш кўлами ҳақида ўқувчилар ўзларининг эркин фикрларини айтиш баробарида, бугунги қонунлар ҳақида ҳам муайян тушунчаларга эга бўлдилар.

ОЛТИ ЁШЛИ РАССОМ

Фарғона вилояти ўлкашунослик музейида олти ёшли Марат Измаиловнинг ижодий кўчма кўргазмасининг очилиш маросими бўлди. Маратнинг ижодий кўргазмасида 38 та расм бўлиб, ушбу расмларни беш ёшдан бошлаб чизган.

Кўргазманинг очилиш маросимида Киргули тумани ҳокими Виктор Беланогов қатнашди. Кўргазма қатнашчиларига шаҳардаги болалар ва ўсмирлар маркази тўгарагининг иштирокчилари концерт намойиш этдилар.

Йиғилиш сўнгида ёш рассомга, Камолот шаҳар жамғармаси бўлими ҳамда ўлкашунослик музейининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

ОЛТМИШ ЁШЛИ ОЛИМ

Самарқанд вилояти Пушкин номидаги бирлашган кутубхонасида Ўзбекистон Республикаси «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ҳамда Самарқанд давлат университети ҳамкорлигида мураббий олим Асад Мирзаевнинг 60 ёшга тўлиши муносабати билан адабий кеча бўлиб ўтди. Кечани «Маънавият ва маърифат» марказининг вилоят бўлими раиси Ботирхон Валихўжаев кириш сўзи билан очди. Кечада олимнинг шогирдлари устозлари ҳақида ўзларининг илиқ фикрларини билдирдилар.

Муаллифлар: Ф. Жумаева, М. Каримова, С. Жўраева.

ХАЛҚЛАРИМИЗ ДЎСТЛИГИНИНГ РАМЗИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ НУТҚИ

(Боши 1-бетда)

ном, учмас из қолдиришга даъват этади:

Саҳар тур, худоға ёлвор,
Ислом уйинг обод қолсин.
Ёмонни қўй, яхшилик қил,
Шайтон иши барбод қолсин.
Яхши сўзга қулоқ солгин,
Саҳар вақти бедор бўлгин,
Яхшилардан олқиш олгин,
Умринг ортсин, зиёд қолсин.

Махтумқули – улуғ шоир, улуғ мутафаккир. Шу боис у маърифатпарвар инсониятнинг бу қадар юксак эҳтиромига сазовор бўлиб келмоқда. Шу боис унинг ижоди ҳамон юрагимизга яқин, ҳароратли сатрлари ҳамон ёниб туради.

Одам баъзан оғир кунларда руҳан тушкунликка тушади, ҳаёт муаммоларидан чарчаб-толиқиб қолади. Менинг назаримда, инсон бундай кезларда иймон-иродасини чиниқтирмоқ учун Махтумқули ижодига мурожаат қилса, албатта таскин топади ва мадад олади.

Шунинг учун ҳам бизнинг ўзбек ҳофизларимиз, мумтоз ижодкорларимизнинг санъати Махтумқули шеърияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Бунга биргина мисол келтирадиган бўлсак, Хоразмнинг истеъдодли фарзанди, булбулнафас ҳофизимиз Комилжон Отаниёзовнинг бутун Марказий Осиёда шуҳрат топишида Махтумқули газалларининг катта ҳиссаси бор.

Қадрли дўстлар!

Ўзбекистон ва Туркманистон мустақил тараққиёт йўлидан бораётган ҳозирги кунларда барча улуғ аждодларимиз сингари Махтумқулининг улмас мероси бизу учун янада муҳим маъно ва аҳамият касб этади. У бизнинг миллий ғуруримизни юксалтиришда, миллий мафкурани ривожлантиришда кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади.

Бугун ўзбек мактабларида, туркман мактабларида улуғ Махтумқули ижодини ҳар томонлама чуқур ўрганадиган, янгитдан кашф этадиган замон келди. Бинобарин, шоир қолдирган бебаҳо меросни янгича кўз билан ўқиб-ўрганиш, унинг хотирасини абадийлаштириш, руҳини шод этиш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Махтумқулининг Хевадаги Шерғозихон мадрасасида таҳсил олгани, Алишер Навоийдек буюк санъаткорни ўзига устоз деб билгани халқларимиз ўртасидаги абадий дўстликнинг ажойиб намунасидир.

Муҳтарам жамоат!

Бугун Махтумқули бобомизга ҳурматимизни бажо келтириб, ул зот бир пайтлар ўқиб вояга етган шаҳарда унга муҳташам ҳайкал ўрнатмоқдамиз. Шу тарихий ва ҳаяжонли дамларда бир фикрни таъкидлаб утиш жоиз, деб ўйлайман.

Бу ҳайкал нафақат икки халқ дўстлигининг рамзи, балки халқларимиз, миллатларимизнинг азалий тарихи, маданияти, маънавияти, тақдири, айтиш мумкинки, юраги абадул-абад туташиб, бирлашиб кетганининг тимсолидир.

Ишончим комилки, бу ёрқин тимсол маънавиятимизни янада юксалтиришга, ўсиб келаётган жондан азиз фарзандларимизни халқларимиз даҳоси яратган маданият дурдоналари билан яқиндан ошно этишга, улардан бир умр баҳраманд бўлишга хизмат қилади. Ҳаётимиздаги бу муҳим воқеа қадриятларимизни тиклашга нақадар катта аҳамият бераётганимизнинг яна бир тасдиғидир.

Азиз дўстлар!

Мен шу унутилмас лаҳзаларда дўстим Сапармурот Ота ўғли ёнимда турганидан бахтиёрман. Бу қувончли маросимда Туркманистон халқининг етакчиси, ёшуллиси иштирок этаётгани бу йиғинга алоҳида маъно ва аҳамият бағишлайди.

Янгича мазмун билан бойиб бораётган қадимий қардошлигимиз ва дўстлигимиз бугунги ҳаётимизда бир-биримизга қўл бериб, бошимиздан ўтаётган синовларга биргаликда мардона бардош бериб, келажагимизни бирга қуриш йўлида бизга улкан ишонч ва куч-қувват бахш этади.

Ана шу ишонч барқарор экан, ўзбек ва туркман халқларининг ёруғ келажакка етиши шубҳасиз.

Қадрли дўстлар!

Бугунги маросимда иштирок этаётгани учун Туркманистон Президенти, дўстим Сапармурот Ниёзовга миннатдорлик билдиришга, унинг сиймосида қардош Туркманистон халқига, унинг тарихига, унинг маънавиятига, унинг маданиятига ва ёруғ келажагига ҳурмат ва ишончимни изҳор этишга ижозат бергайсизлар!

Халқларимиз ўртасидаги дўстлик янада ривожлансин, яна ҳам зиёда бўлсин!

ПРЕЗИДЕНТ САПАРМУРОТ НИЁЗОВ НУТҚИ

(Боши 1-бетда)

улкан таъсири туфайли туркман халқи маънавий ўзига хослигини сақлаб қолди. Махтумқули шу боис ҳам биз учун улуғ ва муқаддасдир. Халқимиз Махтумқулини ҳар доим севиб, ардоқлаб келган эди, бироқ уни ҳақиқий улуғлаш, унинг номини жаҳоний даражага кўтаришга фақатгина мустақилликни қўлга киритгандан сўнгтина эришди. Асарлари бир неча марталаб қайта нашр қилинди, унинг номида халқаро мукофот мавжуд, Ашгабадда буюк шоир музейи барпо этилган. Бугун, Шерғози мадрасасини зиёрат қилиб, буюк шоир ижодининг бешигига таъзим бажо қилар эканмиз, биз бу ердаги музейга Махтумқули Фироғийнинг қўлёзмаларини, нашр этилган китобларини ҳамда унинг сурати туширилган гиламни совға қилмоқчимиз.

Махтумқули даҳосининг ўзига хослиги -- унинг фикр ва туйғуларининг авлодлар идроки билан ҳамоҳанглигидадир. Махтумқули биз учун замондошдан ҳам яқин, чунки унинг халқни якдилликка, мустаҳкам давлат қуришга, ватанга, халққа меҳр-муҳаббатга даъватлари бизнинг умидларимиз билан уйғунлашиб кетган. Буюк Фироғийнинг «Давлат мустаҳкам бўлишини истайман», ёки «Хожаи Хизр қадами етган саҳродаги халқлар фаровон яшасин, мамлакат мустаҳкам бўлсин» деган машҳур сўзлари бугунги кунда ҳам ниҳоятда замонавий жаранглайди. Шоирнинг орзу-умидлари бугунга келиб ушалди. Туркман ва ўзбек халқлари мустақилликка эришдилар, суверен давлат қурдилар ҳамда тараққиётнинг мустақил йўлида дастлабки одимларини ташламоқдалар.

Асрлар мобайнида битта дарёдан сув ичган, маданияти, тили, дини, эътиқоди бир бўлган халқларимиз бугунги кунда ўз муносабатларида янги саҳифа очмоқда. Биз, иккала мамлакат раҳбарлари учун халқларимиз ҳамкорлиги, бу ҳамкорликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришдек улкан мақсадга хизмат қилиш фахрли ва муқаддас ишдир.

Мазкур ташриф давомида биз дўстим Ислом Каримов билан мана шу масалалар юзасидан кенг фикр алмашдик ҳамда қарашларимиз бирлигига ишонч ҳосил қилдик. Ҳозирги пайтда Туркманистон билан Ўзбекистон ўртасида ҳал қилинмаган масалалар ёки ташвиш уйғотадиган ҳолатлар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Бугунги кунда халқларимиз бир-бири билан бемалол мулоқот қила олади. Бундан кейин ҳам, ҳозирги ва келажак авлодларимиз ҳам шундай қилади.

Туркман халқи ўзбек халқига улкан эҳтиром билан қарайди. Дўстим Ислом Абдуғаниевичнинг Чоржўйда қилган лутфини бироз ўзгартириб айтадиган бўлсак, дунёда ўзбек халқининг дўсти кўп, лекин қийинчиликларингизни баҳам кўришга, қувончларингизга шерик бўлишга тайёр турган энг яқин, энг самимий, энг эзгу ниятли дўстингиз ва қардошингиз – туркман халқидир. Мен мана шу муқаддас заминда туриб, халқимиз номидан буни яна бир марта такрорламоқчиман.

Кеча биз Ислом Абдуғаниевич билан Тошҳовуз билан Хоразм, Лебоп билан Бухоро вилоятлари ўртасида эркин савдо-сотиқни тўла очиб қўйиш ҳақида битимга келишдик. Халқларимиз – келиб чиқиши, илдизи битта, қонқариндош халқ. Қўшни билан тинч-тотувликда яшаш– мамлакат тинчлигининг, давлат фаровонлигининг асосидир. Биз ҳар доим сизлар билан қалин, қардошларча муносабатларни ривожлантиришга интиламиз.

Муҳтарам дўстим Ислом Абдуғаниевич!

Азиз ўзбек жигарларимиз!

Сизларнинг туркман биродарларингиз ҳам сизлар Махтумқулига эҳтиром кўрсатганингиздек, ўзбек сўз усталарини самимий суяди. Туркман халқи тақдирига Мир Алишер номи билан кирган Алишер Навоийни билмайдиган, унинг шеъриятининг олтин косасидан сипқормаган биронта туркман йўқ. Марида яшаб, ижод этган, у ерда мадраса қуриб, унга Мару шоҳ жаҳон, яъни оламнинг пойтахти деб ном берган бу мутафаккирга эҳтиром ниҳоятда баланд.

Ал Хоразмий, Ал Беруний, Ал Форобий, Умар Ҳайём, Рудакий сингари руҳ ва ақлнинг улкан намояндалари инсоният тарихида ўчмас из қолдирган. Улар Бухоро ва Хевада, Мари ва Урганчда, ҳаммамизнинг умумий заминимизда яшаган. Биз бугун уларнинг тугамас маънавий булоғидан мана шу сахий замин халқининг амал ва туйғулари баҳраманд булаётгани тўғрисида буюк фахр билан гапира оламиз. Туркман ва ўзбек халқларининг тарихий илдизи бирлигига, уларнинг адабий ва маданий булоқлари битталигига ҳамда муваффақият ва шуҳратлар биргаликда қозонилганига бундан ортиқ исбот бўлмайди.

Бу миноралар, бу гўзал бинолар – халқларимиз буюклиги рамзи, уларнинг шонли ўтмиши ҳамда ёрқин келажаги тимсолидир. Кўрсатилган эҳтиром учун мен қардош ўзбек халқига, муҳтарам хеваликларга, қадрдон дўстим ва оғам Ислом Каримовга чексиз миннатдорлик билдираман. Сизларга осойишталик, тинчлик, фаровонлик, бахт-саодат ва тўкин-сочин ҳаёт тилайман.

Сўзимни Махтумқулининг мана бу гўзал сатрлари билан тугатмоқчиман:

Қимматли дўстингдан юз бурма асло,
Жонингга жон бўлар дўстинг ҳар асно!

МАЪНАВИЯТ — ДАВЛАТ МИҚЁСИДАГИ МАСАЛА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИ Жўра ЙЎЛДОШЕВ билан суҳбат

— Муҳтарам Жўра Ғаниевич, Ўзбекистонимиз — ривожланаётган давлат фуқароси учун ахборотнинг аҳамияти, жумладан, унинг халқ таълими ходимларига фойдаси, зарурати ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик?

— Биз бозор иқтисодига асосланган янги демократик жамият қураяпмиз. Бу тизимда ахборот асосий роль ўйнашини бир неча омилларда кўришимиз мумкин. Аввало ислоҳотлар, ўзгаришлардан халқ бехабар қолса ёки нотўғри ахборот олса, у йўл топишга қийналади, бунда жамият ривожланиши сустлашади.

Педагогик матбуотимиз таълимимиздаги ислоҳотларнинг боришини кўрсатувчи кўзгу ҳисобланади. Биз унда ютуқларимиз қаторида хато ва камчиликларимизни ҳам кўрамиз. Бу ўз вақтида ютуқларни янада мустаҳкамлашга, камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга хизмат қилади.

Матбуотнинг яна бир жиҳати унинг янгилик ташишидир. Халқ таълими ходимининг вазифаси янгиликни англаб етиш, унга ижодий ёндашиб, педагогик ишида қўллашдир.

Доим ижодий изланишда бўлган педагогни барча ҳурмат қилади, болалар яхши кўради. Чунки, у янгиликлар орқали, энг янги педагогик технология орқали қизиқарли дарс ўтади, ўқувчиларни ўз фанига қизиқтиради, зукко, соғлом авлодни тарбиялашда ўз ҳиссасини қўшади. Хўш, бундай ўқитувчи ижодкорликни қаердан ўрганди? Албатта газета, журнал, китоб мутолаасидан. Ахборот тўплаш, янгилик излаш унинг эҳтиёжига айланган. У бир кун газета ёки журнал ўқимаса, Ўзбекистон ва дунё хабарларидан воқиф бўлмаса ўша куни ўзида қониқмаслик сезади, ўзини ҳаётдан орқада қолган ҳисоблайди, замон билан, воқеликлар билан ҳамнафас боради, таҳлил қилади, ибратли хулосалар чиқариб ўқувчиларига таълим-тарбия беради ва табиийки,унинг шогирдлари ҳеч нарса ўқимайдиган, ижод қилмайдиган бошқа педагогнинг ўқувчиларидан бутунлай фарқ қилади. Бунга ҳаётда мисоллар жуда кўп.

— Юқорида ўқиш, янгилик излаш эҳтиёжи ҳақида гапирдингиз. Бунинг жуда чуқур маънолари бор, албатта. Олимларнинг таъкидлашича келаётган XXI аср АХБОРОТ асри бўлади. Демак, хоҳ сиёсатда бўлсин, хоҳ ишлаб чиқаришда ва ё маорифда бўлсин ахборотсиз юриш ҳаётдан орқада қолиш ҳисобланади. Янги асрга биз келажак авлодни қандай тарбиялашимиз керак бўлади?

— Биз мустақилликни қўлга киритгунимизгача бўлган даврда болаларни фақат ўқитдик. Аслида эса педагог—болаларга мустақил китоб излашни, ўқиш, ўқишни ўргатиши керак экан. Бир сўз билан айтганда мустақил мутолаа қилишни кундалик эҳтиёжига айлантириш зарур. Бугун янги турдаги ўқув муассасаларининг аксариятида асосан ана шундай муҳит ҳукмрон. Фарзандларимизнинг ўзлари тавсия қилинган адабиётларни кутубхоналардан, китоб дўконларидан излаб топиб ўқийдилар, қўшимча билим, ахборот оладилар. Шу билан бирга биз ўқувчига газета-журнал ўқиш кўникмасини ҳосил қилишимиз, таъбир жоиз бўлса матбуотсиз, янгиликсиз яшай олмаслик «касалига» гирифтор қилишимиз керак. Ана шундагина биз унинг ижодкорлигини, доим нимадир яратишга иштиёқини ўстирган бўламиз. Бундай авлодни эса гап билан тарбиялаб бўлмайди. Уларга ўқитувчики улар сизнинг тарғиботингизсиз ҳам ахборот, янгилик ташийдиган манбаларнинг қадрини яхши биладилар.

Ўқитувчи ўқувчини мустақил ўқишга ўргатади, янгилик сари бошлайди. Агар у ўзи ўрганишга муҳтож бўлса-чи? Бунинг оқибатида бола ҳаётга ёниб, жўшиб қарамайди, қолоқ фуқаро вужудга келади... Шунинг учун мен ахборотсиз ўқитувчини тасаввур эта олмайман.

— Энди обуна масаласига яқинлашдик чоғи. Ҳозирча обуна заруратини тарғиб этиш, таъкидлаб туриш вақти ўтган эмас. Педагогик газета ва журналларимиз обунасининг асосий тарғиботчиси, ташкилотчиси Халқ таълими вазирлиги ҳисобланади. Буни вазирлик миқёсида обуна бўйича махсус штабнинг тузилишида ҳам кўришимиз мумкин. Лекин вилоятлар халқ таълими бошқармаларидаги штабни ўша бир неча йил аввал олинган эски билимлар билан ўқувчига ҳам танбаллик касалини юқтириш деганидир. Ҳозир ислоҳотлар даври. Ҳар кунимиз янгиликларга лиқ тўла. Вақтинчалик иқтисодий тангликни баҳона қилиб, ўзгаришлардан бехабар қолишни ҳеч қандай вақтда кечириб бўлмайди.

Қолаверса обуна бўлишнинг йўллари кўп. Дейлик, ҳар бир мактабда барча фанлардан метод-бирлашмалар мавжуд. Улар ўзаро бирикиб, педагогик нашрларга обуна бўлишса, бирга фойдаланишса ҳар томонлама ютишади. Ҳозир ҳомий ташкилотлар кўмагида обуна бўлиш ҳам одатий тусга кириб бораяпти. Фақат мактаб жамоаси томонидан озгина қунт қилинса, ўша ҳомий ташкилот раҳбарларига илтимос қилинса кифоя. Мактаб бюджетидан ҳам ўқитувчиларни обуна қилиш мумкин. Негаки, ҳозир кўпгина мактабларимизнинг банкларда ўз ҳисоб рақамлари бор. Шунингдек, ҳар бир мактаб кутубхонасида педагогик газета ва журналларнинг тахлами бўлмаслиги уятли ҳол эмасми?

Вилоятлардан обуна масаласида жўнатилаётган нотўғри маълумотлар фақат ўз-ўзимизни алдаш деб тушунаман. Бунинг замирида ўқитувчи ва тарбиячиларнинг янгиликлардан, янгича педагогик технологиялардан, масалан, рейтинг тизимига ўтиш давридаги янгиликлар, ўзига хосликлардан бебаҳра қолиш, таълимдаги ривожланишни орқага суриш ҳисобланади.

Бир кичик мисол келтираман: Газетамизда чоп этилган «Иш билганга эл эргашар ёхуд директор қандай бўлса мактаб ҳам шундай бўлади» сарлавҳали мақоламизга фикр билдиришларини сўраб мактаб директорлари, туман ХТБ ходимларидан иборат 300 кишилик аудиторияга мурожаат қилдим. Қарангки ҳеч ким жиддий фикр билдира олмади. Бу газета ўқимаслик, ўқиганда ҳам юзаки ўқиш оқибатидир. Аслида у мақоламизнинг мактаб директорларига тегишли, таъбир жоиз бўлса фойдали жиҳатлари кўп эди.

— Жўра Ғаниевич, фурсатдан фойдаланиб кутубхоналар масаласида яна бир савол билан мурожаат қилмоқчи эдик...

— Нима демоқчилигингизни тушундим. Юртбошимиз маънавиятни давлат миқёсидаги масала даражасига кўтардилар. Бунинг замирида чуқур маъно ётибди. Маънавият чашмасини доим асрагувчи бир макон бор — кутубхона!

Юқорида таъкидлаганимиздек муаллим аввало ўзи, кейин ўқувчиларида қўшимча маълумот, янгилик излашга кўникма ҳосил қилиши керак. Кутубхона ана шундай масканлардан бири. Фақат у давр учун зарур бўлган адабиётлар, газета ва журналлар билан таъминланган бўлса. Ҳозир боболаримиз ёзиб қолдирган кўплаб асарлар қайта чоп этилмоқда. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам мактабга етиб келяпти, дея олмаймиз. Бунинг йўллари изланяпти. Мана Фарғонада кутубхоначилик ишлари анча яхши йўлга қўйилган. У йилнинг охирида нашриётлардан, дейлик «Ўқитувчи» нашриётидан янги йилнинг режасини олишади. Улардан муаллим ва ўқувчининг маънавий озуқаси бўла оладиган барча китобларни белгилаб чиқишгач, нашриётга буюртма беришади. Худди шу пайтда ким, қачон, қайси йўл билан китобларни олиб келиш, қандай йўл билан тарқатиш масалаларини белгилаб олишади. Бундай тадбирни бошқа вилоятлар ҳам ҳаётга тадбиқ қилиши, маблағ масаласини эса ҳокимлик даражасида ҳал қилиш лозим бўлади. Чунки маънавият масаласи, такрор айтаман, давлат миқёсидаги, Президент назоратидаги масаладир.

— Обуначиларга тилакларингиз...

— Юқорида айтган барча фикрлар тилакларим мазмунидир. Ўнга яқин педагогик газета ва журналларимизнинг ҳар бири ўзига хос йўналишга эга. Улар бир-бирини такрорламайди. Аксинча, бир-бирини тўлдиради. Улардаги берилаётган манбалардан фойдаланинг, уларга ижодий ёндошинг, ҳаётга тадбиқ қилинг, бундан фақат фойда кўрасиз, маънан юксаласиз.

СИНФ РАҲБАРИНИНГ МУЛОҚОТ ДАФТАРЛАРИ

(Боши 1-бетда)

мат яхшиланди. Ота-оналар ҳам ҳуда-беҳудага жавоб сураб дафтар орқали менга мурожаат қилмайдиган бўлишди. Албатта, сизда савол туғилиши мумкин. Унда кундалик дафтарга нима ёзилади? Кундалик дафтарга ҳамма нарсани, айниқса, боладаги ёмон хислатларни ёзишни маъқул кўрмайман. У ўқувчини изза қилади.

Уй ишларида ёрдамлашмайди, деб жавоб ёзилган дафтардаги ўқувчиларим билан алоҳида суҳбат ўтказиб, ота-оналарга осон эмаслигини тушунтирдим. Улар фарзандининг бурчи ҳақида иншо ёздилар. Сўнг унга амал қилмоқ даркор, деган хулоса чиқартирдим.

Ўқувчиларнинг қизиқишларини аниқлаб олгач, ўшанга қараб тўгаракларга бириктирдим, шаҳар ўқувчилар саройига олиб бордим. Ҳозир улар тўгаракларда фаол қатнашмоқдалар. Йилда ота-оналар мажлисини 4 марта ўтишга келишиб олганмиз. Ота-оналарнинг дарслар ҳақидаги мулоҳазаларини ўрганиб чиқиб, фан ўқитувчилари билан суҳбатлашди. Дарслари зериқарли бўлган ўқитувчиларга изланиш лозимлигини айтдим. Ота-оналардан Ҳожиакбар Илҳомов, Муҳайё Юнусова кабилар тез-тез дарсларга чиқиб, ўқувчилар билимини кузатадилар. Бу ҳам яхши самара берди. Натижада бир томондан ўқитувчининг ҳар бир дарсга пухта тайёрланиши таъминланди, иккинчи томондан, ўқувчиларнинг ҳар бир дарсга ўз вақтида тайёрланиб келиши йўлга қўйилди.

Таклифлар ҳам ранг-баранг. Кимдир фарзандим эртадан кечгача назоратсиз қолади, алоҳида эътибор беринг, деб ёзган бўлса, кимдир уйда бувиси бор, дарсдан сўнг тез уйга келиб, уларга ёрдамлашсин, деб ёзган. Хуллас, бу мулоқот дафтари менга катта ёрдам беряпти.

Худди шундай дафтарни ўқувчилар билан ҳам тутганман. Улар ҳам мактаб, синф ҳақида, ўқитувчилар ва уларнинг дарслари, қизиқишлари, бошқа синфдаги ўқувчилар билан қандай муомалада бўлиш кераклиги ҳақида, бўш вақтларини қандай ўтказаётганлари тўғрисида ёзиб берганлар. Шунингдек, дафтарга синф раҳбаридан ранжиган ёки миннатдор бўлган вақтлари, турли воқеалар, ёқтирган шеърлари, севимли ёзувчилари ҳақида ҳам ёзиб беришган.

Албатта, бу дафтарлар ҳар йили янгиланиб турилади. Бунга кўп вақт кетмайди, фақат озгина қунт ва хафсала кифоя. Аммо ишимиз силлиқ кетади. Шундай қилинса, синф раҳбари ўз номини оқлар экан. Синф раҳбарилик ўқитувчиларга мажбурий берилмаслиги керак. Шундай йўл топайликки, ўқувчи синф раҳбаридан, синф раҳбари эса ўқувчисидан шикоят қилмасин. Сиз-чи, азиз синф раҳбарлари, қандай фикрдасиз?

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 274-мактаб муаллимаси, халқ маорифи аълочиси.

ФАНДА ФИДОЙИЛИК — ЗАРУРАТ

Фаннинг асосий қиймати ҳисобланган кашфиётларни олдиндан айтиб бўлмаслик, ҳали тўла аниқ бўлмаган мақсадларга эришиш учун тайёр йўлларнинг йўқлиги фанни одатдаги моделлар бўйича ташкил этишга имкон бермайди ва уни худди саноатни бошқариш каби бошқаришнинг иложи йўқ.

Инсон фаолиятининг бошқа турларидан фарқли ўлароқ, фанни ташкил этиш ва уни йўлга қўйиш «қурувчилар»нинг этикаси билан белгиланади. Чунки бунда асосий нарса нимадан иборатлигини аниқ айтиш қийин бўлиб, у олимларнинг виждонига боғлиқдир.

Фаннинг мақсади табиат ва жамият қонунларини аниқлаш ва тадқиқ этиш, ҳақиқатни излашдир. Фан ҳар хил нарсаларда умумийликни ва умумийликдан турличаликни излайди, ҳодисаларнинг механизмлари ва узаро алоқаларини ўрганиш билан атроф дунёнинг моҳиятини тушунишга интилади. Бунда илмий изланиш инсоннинг барча кузатилаётган табиат мўъжизаларини тушуниш, тушунтириш ва уларнинг оддий сабабларини топишга бўлган табиий эҳтиёжларига асосланади.

Изланиш йўллари ноёб. Бу йўллар кўпинча олимнинг ички ҳиссиётига ва шахсий хусусиятларига боғлиқ бўлиб, ундан чуқур қизиқиш, одатий бўлмаган ёндашиш, кучли тасаввур, қатъиятлик ва жасорат талаб этади. Изланишда тасодиф, ҳатто омад ҳам катта аҳамиятга эга.

Фан изланишдангина иборат эмас. Унинг, ҳатто, катта қисми ишлаб чиқишдан иборат. Бироқ изланиш фаннинг тиғи бўлиб қолади. Фаннинг тузилишини ташкил этиш ва этикаси худди ана шу изланиш учун энг маъқул шароит яратишдан бошланиши керак.

Фанни ташкил этишнинг асоси изланиш эркинлигини, унинг объективлиги ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қиладиган учта омили борлигини кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Кўпмарказлилик — муҳим омиллардан бири. Умуман олганда, дунё фанида изланиш эркинлиги, асосан, ташкилий кўпмарказлилик билан белгиланади.

Фан бир-бирига боғлиқ бўлмаган турли манбалардан — умумий давлат бюджетидан, халқаро жамғармалардан, саноат, қишлоқ хўжалиги ва тиббиёт жамғармаларидан, университетлар ва ҳатто алоҳида шахсларнинг маблағларидан таъминланади.

Фаннинг халқаро тусда бўлиши алоҳида аҳамият касб этади. У сиёсатнинг, диннинг, мавжуд шароитнинг бир томонлама қаршилигидан, тор истеъмолчилик ёндашишидан кафолат беради. Фаннинг халқаро тусда бўлишидан нафақат олимлар, балки давлатлар ҳам манфаатдордирлар: ҳеч бир давлат фанни тўла ҳажмда мустақил ривожлантира олмайди.

Фаннинг кўпмарказлилиги, шунингдек тадқиқот натижаларини нашр қилиш учун турли имконияти ларни орқали йўлга қўйилади. Узига автоном ва мустақил мавзулардаги, таҳририяти турлича таркибда бўлган кўп сондаги илмий журналларнинг мавжудлиги, амалда, исталган тадқиқот ёки истаган ғоянинг натижаларини чоп этилишини таъминлайди. Бунда натижалар элементлар техник талабларни назарда тутиб тайёрланган ва қандайдир янгилик элементини ўз ичига олган бўлса, кифоя. Бу ҳолда ҳам чекланмаган, холис халқаро илмий журналлар муҳим аҳамиятга эга.

Шуниси аниқки, тадқиқотларни қўллаб-қувватлашдаги ва чоп этишдаги кўпмарказлилик ва фаннинг халқаро тусдалиги ҳар қандай илмий йўналиш ва ғояни ишлаб чиқиш учун кафиллик беради, илмий йўналишларга маъмурий қаршиликка имкон бермайди ва фанда камчиликнинг ҳуқуқига кафолат беради. Шунингдек, кўпмарказлилик фаннинг ривожланишига сезиларли таъсир этиш — олимларни янги ғояларнинг тўғрилиги ва муҳимлигига ишонтириш имконини беради.

Даврийлик тамойили. Ҳақиқий фан маълум бўлган далиллар ва хулосалар муаммони еча олмаган, ҳамма нарсани тадқиқотчининг ички сезгиси белгилаган пайтдан бошланади. Шунинг учун сезгидан ажралмайдиган субъективизм илмий изланишнинг асосини, унинг ҳаракатлантирувчи кучини ва асосий қийматини ташкил этади.

Олимларнинг субъектив ғоялари ва далиллари қандай қилиб объектив илмий ҳақиқатга айланади?

Фан учун далиллар уларни мустақил ҳолда акс эттиргандан сўнгтина пайдо бўлади. Бунда акс эттириш, одатда, муаллифнинг ҳаққонийлигини атайлаб текшириш тарзида бўлмайди. Илгари олинган натижаларни аввал акс эттириш ишни давом эттириш учун зарурдир. Илмий маълумотларни кўп марта ва турлича акс эттириш давомида унинг ичидан дастлабки субъективизм, тасодифий ва муҳим бўлмаган элементлар аста-секин ажралиб қолади; бу маълумотлар тўлдирилади ва аниқланади ва ниҳоят, сўнгги, батамом акс эттирилган ҳолатда илмий билимлар тизимига (системасига) киритилади.

Бошқача қилиб айтганда, илмий далиллар ёки ғоялар олиниши ёки эълон қилиниши билан кифояланилмайди. Улар такроран яна давом эттирилади.

Булардан қатор аниқ ташкилий хулосалар келиб чиқади. Биринчидан, изланиш тадқиқотларида бир-бирини такрорлаш нафақат зарарсиз, балки жуда зарурий ҳолдир.

Иккинчидан, «комиссия усули»нинг айнан бир хил эмаслиги: ҳеч қандай комиссия илмий ҳақиқатни ўрнатишда табиий даврийликнинг ўрнини боса олмайди.

Шундай қилиб, илмий ёндошиш субъективизмни инкор этмайди, балки субъективизмдан озиқланади. Илмий этика тадқиқотчига ҳатто хатолар қилишга ҳуқуқ беради. Бироқ, бунда фан олимнинг фаолиятидан фақат ижобий томонларини ажратиб олади.

Яхшини рағбатлантириш. Икки механизм илмий изланишнинг юқори самарадорлигини таъминлайди. Улардан биринчиси — автоматик механизм. Бунда яхши сермаҳсул ғоя, муҳим ва акс эттирувчи кузатиш табиий ҳолда тадқиқотчилар диққатини узига жалб этади ва янги йўналишдаги ишлар қўлами унчалик долзарб бўлмаган ишлар ҳисобига ўз-ўзидан кенгаяди. Иккинчи механизм ташкилий бўлиб, унда маблағ берувчи идоралар, билимдон мутахассислар фикрига суянган ҳолда, энг фаол ишлаётган тадқиқотчиларни рағбатлантирадилар. Натижада у ёки бу йўналиш фаннинг мазкур соҳасида устунлик қила бошлайди.

Истиқболсиз тадқиқотлар янги кучларни ўзига жалб эта олмайдилар ва фаннинг ҳозирги ривожланиш суръатида тезда ва бутунлай четга чиқадилар. Бироқ, албатта, фаннинг ички тараққиётига ташқи пухта билимсиз аралашувлар бўлмаган шароитда ҳамма нарса ўз-ўзидан содир бўла бошлайди.

Олинган натижанинг аниқлиги — фан асоси. Олинган далилларнинг моҳиятига келсак, улар олдиндан тўғри деб, тахмин қилинади.

Ҳаққоний иш тутмаслик ёки илмий далилларга жиддий муносабатда бўлмаслик тадқиқотчи учун энг даҳшатли ҳолга — илмий улимга олиб келади. Киши яшашда ва ишлашда давом этади, лекин унинг илмий ишларини ҳеч ким ўқимайди ва улар ҳақида бошқа ишларда гапирилмайди, қисқаси у фан учун йўқдек бўлиб қолади. Оқибатда бу натижаларнинг нима сабабдан қайта акс эттирилмаслиги — ҳаққоний иш тутилмаганлигиданми ёки хато қилинганлигиданми — ҳеч кимни қизиқтирмайди. Тадқиқотчи хато қилиш ҳуқуқига эга бўлсада, уни меъёридан ошириб юборишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Қандайдир масалани ечар экан, тадқиқотчи шу соҳада унгача қилинган барча маълумотларни тўплашга ҳаракат қилади, ундан сўнг табиийки, иш давомида кундалик адабиётларни кузатиб боради. Олинган натижаларни эълон қилишда муаллиф барча ўхшаш ишлардан далил келтиради. У бошқа ишларга ўз муносабатини баён этиш ҳуқуқига эга, лекин ўхшаш ишларни эслатиб ўтмаслик — яхшимас. Ўз ҳамкасблари билан очиқчасига ва ҳалол мулоқотда бўлиш — ибратли ҳол. Айниқса, бундай вазият ҳар икки томондан тўғдирилса, жуда маъқул бўлади.

Якка тадқиқот этикаси илмий гуруҳ ёки лаборатория раҳбарининг этикаси билан бевосита туташади. Бу алоҳида мавзу. Бунда биз жамоа тадқиқоти ёки тадқиқотлар мажмуига эга бўламиз. Лаборатория сермаҳсул ишловчи жамоа сифатида намоён бўлиши учун унинг ходимларининг мавқеи уларнинг тадқиқотлардаги ҳақиқий ролига мос келиши ва бу ҳол биргаликда нашр эттирилган илмий ишларида акс этиши лозим. Шундай мос келиш бўлмаган ҳолларда ишга зарар келтирувчи ва жамоанинг барбод бўлишига олиб келувчи сохта муносабатлар пайдо бўлади.

Этик меъёрларга риоя қилиш, фан руҳига садоқатли бўлиш олимнинг шахсий тадқиқотларига бевосита боғлиқ бўлмаган фаолиятида муҳим роль ўйнайди. Олимнинг илмий-ташкилий соҳадаги этик ҳолати тадқиқот соҳасидагидан мураккабдир. Унинг шахсий фикри илмий кенгаш ёки таҳририят томонидан қабул қилинган қарорлардан расман

Андижон вилояти Пахтаобод тумани халқ таълими бўлими қошидаги ўқувчи-ёшлар ижодиёти марказидаги доимо болалар билан гавжум. Ўқувчилар, халқ амалий санъат турларидан бири — кулолчиликка жуда қизиқадилар. Тўгаракка тажрибали уста Қутбиддин Турдиев раҳбарлик қилмоқда. Моҳир уста болаларга кулолчиликнинг ўзига хос нозик сирларини ўргатаётир. Тўгарак аъзоларининг нафис ясаган фаввора, гулдон сингари асарлари туман кўргазмасида фахрли ўринларни эгалламоқда.

СУРАТДА: Қутбиддин Турдиев шогирди Умиджон Носиров билан иш устида.

Р. Альбеков олган сурат.

Расмий бўлим

МАТЕМАТИКАДА ИҚТИСОД ТАЪЛИМИ

Замон талаби ва давр тақозоси билан биз янгича иқтисодий муносабатлар, яъни бозор иқтисодиёти сари илдам қадамлар билан бормоқдамиз. Унинг қай тарзда муваффақиятли булиши ҳозирги мактаб ўқувчиларининг билим даражаларига боғлиқ. Шу муносабат билан мазкур ўқув йилидан бошлаб мактабларда «Иқтисодий билим асослари» фани киритилди. Бу фан асосан 9-11-синфларда ҳафтасига 1 соатдан алоҳида фан сифатида ўқитилади.

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 1996 йил 29 апрелда чиқарилган «Узбекистон Республикасида иқтисодий таълимни ташкил этишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги 92-буйруқнинг 2-бандида курсатилишича, 8-синфда «Иқтисод сабоқлари», («Иқтисодга кириш») она тили, хорижий тиллар, математика, география ва меҳнат фанлари таркибида алоҳида боб ёки мавзулар киритиш ҳисобига урганилади. Шуни эътиборга олиб, биз Республика таълим маркази қошидаги математика фани бўйича илмий-методик кенгаш аъзоларидан А. Икромов туманидаги 197-мактабнинг олий тоифали математика фани ўқитувчиси, халқ маорифи аълочиси Маъсуда опа Аҳмедова ҳамда С. Раҳимов туманидаги 196-мактабнинг физика-математика фани бирлашмасининг раиси Назира опа Алимовалар биргаликда бу муаммони ҳал этишга киришдик. Ҳар иккала муаллима қимматли вақтларини аямай, шу ўқув йилида мактабларда фойдаланишга тавсия этилган математика фани дарсликларини бирма-бир варақлаб, уларда мавжуд бўлган иқтисод билан боғлиқ мисол ва масалаларни ажратиб, рўйхатини тузиб чиқдилар.

Демак, азиз муаллимларимиз математика фанига ажратилган соатларни камайтирмаган ҳолда, рўйхатдаги мисол ва масалалар билан ишлаш жараёнида иқтисодга оид тушунчаларни, бозор иқтисодиётига боғлиқ фикрларни ўқувчилар онгига сингдириб боришлари лозим. Масалан, 5-синф дарслигидаги 24-масала омбордаги картошкалар ҳақида. Уни ечиш жараёнида картошкани омборда яхши асраш йуллари, уни эҳтиётлаб, узоқ муддат сақлаш, ундан фойдаланишда, омбордан олиш ва омборга жойлаштириш вақтида исрофгарчиликка йул қуймаслик, картошкани юпқа қилиб артиш, иқтисод қилиб, тежаб-тергаб фойдаланишнинг самаралари айтиб утилса, мақсадга мувофиқ булади. Ёки 7-синфда 19, 31 ва бошқа масалаларни ечиш жараёнида бозор иқтисодига оид булган бизнес, бартер, брокер, банк каби тушунчаларнинг мазмунини ўқувчининг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тушунтириб берилса, яхши булади.

Бунинг учун ўқитувчилар дарсга тайёрланиш жараёнида қуйидагилардан фойдаланишлари мумкин:

1. Й. Саиджонов, «Бозор иқтисодиётига доир баъзи атамаларни узбекча-русча изоҳли луғат». 1993 й., 1995 й.

2. З. Валиева, «Мактаб ўқувчиларининг иқтисодий тарбия тизими». Монография. 1995 й.

3. З. Валиева, Ё. Муҳибов, «Иқтисод сабоқлари» 5-9-синфлар учун қулланма. 1996 й.

4. Х. Рашидов, Н. Хужаев, «Бозор иқтисодиёти асослари». 1996 й.

5. Э. Сариқов, М. Маматов «Бозор иқтисодиёти ва бизнес асослари». 1996 й.

6. «Маърифат» рузномасида чоп этилган «Иқтисодий билим асослари» мақолалар туплами. 6.06.96 йилдан.

Энди биз қуйида умумтаълим мактабларининг 5-9-синфлар математика дарсликларидаги иқтисодга оид мисол ва масалалар рўйхатини келтирамиз:

ИҚТИСОД БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН МИСОЛ ВА МАСАЛАЛАР

5-синф. Математика (Ж. Икромов).

1. Натурал сонларни ёзилиши ва ўқитилиши. 13(4). 24-масала.

2. Тўғри чизиқ ва кесма. 47, 48, 52-масала.

3. Сонли ва ҳарфий ифодалар. 95-масала.

4. Тенглама ва тенглик. 119-масала.

5. Купхонали сонларни қўшиш ва айириш. 148, 160-масала.

6. Қушишнинг асосий хоссалари. 166, 169, 177, 187, 188-масала.

7. Купхонали сонларни айириш. 198, 199-масала.

8. Натурал сонларни купайтириш. 253, 254, 263, 265, 272, 274-масала.

9. Купайтиришнинг хоссалари. 283, 284, 285, 296, 301, 303, 304-масала.

10. Тўғри тўртбурчакнинг юзи ва переметри. 364, 372, 373, 378-масала.

11. Тўғри бурчакли параллелипипед ҳажми. 388, 396, 405, 408, 419, 421-мисоллар.

12. Натурал сонларни бўлиш. 434, 435-масала.

13. Кўп хонали натурал сонларни бўлиш. 402, 403, 466, 481-масала.

14. Қолдиқли бўлиш. 496, 512-масала.

15. Натурал сонлар устида 4 амал. 527, 532-масала.

16. Айлана ва доира. 10, 11, 26-масала.

17. Улушлар. 769, 772, 785, 787, 807-масала.

18. Тўғри ва нотўғри касрлар. 854, 874-масала.

19. Касрнинг асосий хоссаси. 919, 934, 939, 969-масала.

20. Касрларни қўшиш ва айириш. 1066, 1070 (1, 2), 1129, 1141, 1142.

21. Аралаш сонларни қўшиш ва айириш. 1157, 1158-масала.

22. Аралаш сонларни купайтириш. 1220, 1299-масала.

23. Касрларни бўлиш. 1280-масала.

24. Оддий касрлар устида амаллар. 18, 20-масала.

25. Пропорциялар. 1364, 1371, 1372.

6-синф. Математика (Н. Виленкин дарслиги).

1. Йўналишлар ва сонлар. 16, 17-масала.

2. Координата тўғри чизиғи. 31, 32, 37, 38, 47, 52-масала.

3. Симметрия маркази. 67, 68, 81, 82, 97-масала.

4. Соннинг модули. 119(1), 122, 126-масала.

5. Сонларни таққослаш. 140, 147, 149, 165-масала.

6. Параллел тўғри чизиқлар. 175, 178-масала.

7. Координата текислик. 199, 202, 203, 204, 210, 212-масала.

8. Сонларни координата тўғри чизиғи ёрдамида қўшиш. 240, 245-масала.

9. Манфий сонларни қўшиш. 257, 261-масала.

10. Ҳар хил ишорали сонларни қўшиш. 275, 277, 285-масала.

11. Қушишнинг хоссалари. 293, 297, 298-масала.

12. Айириш. 323, 338-масала.

13. Қавсларни очиш. 355, 356-масала.

14. Купайтириш. 1, 2-масала, 387, 392, 395-масала.

15. Купайтириш хоссалари. 437, 453, 467, 469-масала.

16. Тенгламаларни ечиш. 476, 479, 480, 481, 483, 486, 493, 494-масала.

17. Даража. 508, 513, 514, 522-масала.

18. Диограммалар. 528, 529-масала.

19. Графиклар. 535, 540, 541, 542, 544, 550, 564, 567, 569, 570, 574, 579, 580, 589, 590, 591, 594, 595-масала.

20. Туб сонлар. 613, 627-масала.

21. Узаро туб сонлар. 633, 637, 645, 646.

22. Энг кичик умумий каррали... 658-масала.

23. Касрнинг асосий хоссаси. 720, 728, 736, 737, 741, 746.

24. Касрни янги махражга киритиш. 756, 762 (г), 767, 768.

25. Касрларни умумий махражга келтириш. 776, 777.

26. Ҳар хил махражли касрларни қўшиш ва айириш. 802, 803, 804, 806, 807, 828, 829, 832, 839.

27. Бутун ва каср қисми бўлган касрларни қўшиш ва айириш. 846, 847, 848, 849, 850, 856, 857, 863-масала.

28. Учбурчакни ясаш: 881, 882, 891.

29. Касрларни купайтириш. 4-масала, 910, 911, 918.

30. Бутун ва каср қисми бўлган сонларни купайтириш ва хоссалари. 932, 933, 934, 938, 946, 947, 948, 949, 958, 959, 969, 974, 976, 977, 983, 984, 986, 989-масала.

31. Касрларни бўлиш. 1003, 1004, 1005, 1006, 1010, 1011, 1015, 1028, 1031-масала.

32. Пропорциялар 1035, 1037, 1038, 1039, 1040, 1044, 1048, 1058, 1060, 1061, 1063, 1064, 1065.

33. Айланма узунлиги. 1074, 1077, 1083.

34. Доиранинг юзи. 1093, 1097.

35. Шар. 1104, 1105, 1106, 1110, 1111-масала.

36. Каср ифодалар. 1121, 1123, 1127, 1128, 1141, 1142, 1145, 1146, 1147, 1148, 1149, 1150, 1151, 1153, 1155, 1156, 1160, 1161, 1163, 1164, 1165, 1166, 1168, 1170, 1171, 1173, 1193.

7-синф. АЛГЕБРА (Ш. Алимов дарслиги).

1. Алгебраик ҳарфларнинг қулланиши. 1-2 масала. 17, 19, 31-масала.

2. Алгебраик ифодалар. 46, 47, 48-масала.

3. Натурал кўрсаткичли даража. 96, 182 (2)-масала.

4. Ухшаш ҳадларни ихчамлаш. 290-масала.

5. Бир ҳад ва кўп ҳадларни бир ҳадга бўлиш. 358-масала.

6. Тенглама ёрдамида масалалар ечиш. 396, 399, 401, 403, 404, 406, 410-масала.

7. Алгебраик касрлар. 572, 573, 678-масала.

8. у=кх функция графиги. 720, 740-масала.

9. Тенгламалар системаси ёрдамида масалалар ечиш. 3-масала. 812, 813, 816, 817, 818, 819, 820, 821, 822, 825, 826, 830, 831, 832, 833, 892, 893, 895, 900, 901, 904, 937, 938, 976, 985-масала.

8-синф. АЛГЕБРА (Ю. Макаричев дарслиги).

1. Квадрат тенглама ёрдамида масалалар ечиш. 559, 567, 614, 615, 616, 631, 651, 654, 658, 699, 700, 701, 702, 703, 705, 706, 707, 758-масала.

2. Тенгсизликлар 812-масала.

3. Тенгсизликлар системаси ёрдамида масалалар ечиш. 889-масала.

4. Бутун даража хоссалари. 965, 966, 967-масала.

5. Тақрибий қийматлар устида амаллар. 1041, 1069-масала.

6. Қийин масалалар. 1106, 1107.

9-синф. АЛГЕБРА (Ш. Алимов дарслиги).

1. Микрокалькуляторда ҳисоблаш. 61-масала.

2. Арифметик прогрессия. 416, 418-масала.

3. Такрорлаш. 579, 580, 581, 582-масала.

4. Тенгламалар тузишга оид масалалар ечиш. 650, 864, 872, 873...

Мазкур рўйхат ўқитувчилар учун бир тавсия, холос. Улар ўз ишларига ижодий ёндошган ҳолда фаолият курсатиб, балки бу рўйхатни янада кенгайтирсалар ажаб эмас. Шу билан бирга дарсликлардаги масалалар мазмунини замон руҳига мослаб такомиллаштириш, кенгайтириш, бойитиш мумкин. Масалан: «Жигули» автомашинаси ҳар 100 км масофага 10 л. дан бензин сарфласа, 5000 км йўлга қанча бензин ишлатилади? деб масала берилган бўлса, уни ечиш жараёнида бундай ижод қилиш мумкин. Андижон вилоятининг Асака шаҳридаги қушма корхонада ишлаб чиқарилаётган «Дамас» автомашинаси ҳар 100 км. га 5 л. бензин сарфласа, 5000 км. йул учун қанча бензин тежалади?

Юқоридаги ишларни амалга оширишда методик маслаҳатлар керак бўлса ёки ўқитувчиларимиз бу борадаги уз илгор тажрибаларини оммалаштирмоқчи бўлсалар, бизга мурожаат қилишларини сўраймиз.

Бизнинг манзил: **700027, Тошкент, Ўзбекистон кўчаси, 80 уй. РТМ физика-математика бўлими.**

РТМ физика-математика бўлими.

Касаба уюшмалари ҳаёти

Талаба-ёшларнинг энг гамхўр ташкилотларидан бўлган касаба уюшмаларининг фаоллиги ошиб борянпти. Бу уюшма барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўз зиммасига юклатилган вазифаларни имкон қадар амалга оширишнинг ташаббускори,ташкилотчиси ва ижрочиси бўлмоқда.

Яқинда Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг мажлислар залида Халқаро талабалар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Ҳулкар Жамолов кириш сўзи билан очди. Х. Жамолов бу ерга йиғилган истеъдодли, аълочи, фаол талабаларни байрам билан табриклаб, сўзни республика халқ таълими вазирининг уринбосари Муртазо Султоновга берди. Нотиқ, жумладан, уз сўзида қуйидагиларни таъкидлади:

— Тошкент шаҳри ва республикамизнинг бошқа шаҳарларидаги олий ўқув юртларида

ЁШЛАР — ЮРТИМИЗ ИСТИҚБОЛИ

таҳсил олаётган ёшларнинг мукаммал билим олишлари, дам олишлари, соглиқларини тиклашлари учун етарли даражада шарт-шароит яратиб беришга ҳаракат қилинмоқда. Аммо ҳали бугунги талабанинг талаб-эҳтиёжларини, қизиқишларини, имкониятларини тўла даражада қоплай олганимизча йўқ. Хорижий давлатларда ўқиётган талаба-ёшларимиз учун ҳам ҳали кўп ишлар қилишимиз керак. Қачонки, қаердаки шароит тўкис, имкониятлар етарли бўлса, ўша жойдан малакали ва қобилиятли мутахассислар етишиб чиқади.

Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Озода Муҳиддинова ҳам минбарга кўтарилиб, бу борада амалга оширилаётган ишларни таҳлил этди. У талабаларнинг яшаш шароитларини яхшилаш, ётоқхоналар ва санаторий-профилакторийлар фаолиятини йўлга қўйишда касаба уюшмаларининг ташаббускорлиги, изланувчанлиги муҳим роль ўйнашини, ёшлар орасида спорт мусобақалари, дам олиш тадбирлари утказиш учун маблағ излаб топишда ҳам касаба уюшмаларининг ёрдами зарур эканлигини таъкидлади.

Узбекистон Республикаси таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари Марказий Қумитаси раиси Иброҳим Абдуганиев, Узбекистон талабалар жамғармаси раиси Ғайрат Ёқубовлар ёшларни байрамлари билан қутлашди, самимий тилаклар изҳор этишди. Йиғинда сўзга чиққан талабалар курсатилаётган ғамхўрлик учун миннатдорлик билдиришди. ТошДУда таҳсил олаётган туркиялик талаба Қаҳрамон Узман ўзбек халқига нисбатан чексиз ҳурматини баён этди.

Халқаро талабалар кунига бағишланган учрашув-йиғилишда фаол талабаларга совғалар ва фахрий ёрлиқлар топширилди. Унинг иштирокчилари Темурийлар тарихи Давлат музейини бориб кўрдилар, сўнгра Максим Горький номли театрда саҳна асарини томоша қилишди.

Мухбиримиз.

Изланиш манзиллари

«БОЛАЛАРГА БЕРИНГ, ДУНЁНИ»

Болалар!... Улар шунчалар ширин, шунчалар пок... Улар шунчалар бийрон, шунчалар топқир ва кузатувчан. Яна битта гап. Улар биз катталарнинг «ташвишлардан ясалган бу бир кам дунёмиз»даги бугунги овунчоқларимиз ва яна эртанги орзу-умидларимиздир. Истиқлол юртимиз болаларига узлигини, «миттимитти миллий қадриятлари»ни қайтариб берди. Биз мусаффо Шурчи осмони остида бахтиёр болалик гаштини сураётган «Лола» болалар боғчаси тарбияланувчилари орасида бўлганимизда буни тўла ҳис қилдик. Аниқроғи, 12 нафар тарбиячи ва бир услубчи ва яна роппа-роса 27 йилдан буён шу қутлуғ даргоҳда мудиралик вазифасини

ШЎРЧИ «ЛОЛА»СИНИ КЎРГАНМИСИЗ?

бажариб келаётган Тожихол опа Худойбердиевалар томонидан амалга оширилаётган жуда кўплаб ибратли ишларнинг гувоҳи бўлдик.

Барча гуруҳ хоналари, дам олиш хоналари ораста ва миллий руҳда безатилган. «Лола»да оналар учун болаларни эмизиш, соғломлаштириш, тиббиёт, табиат муҳофазаси, мусиқа ва ўйин, табиий ўғўланлар билан даволаш, бичиш-тикиш, мустақил ўқиш хоналари ташкил этилган.

Бу ерда бу йил илк бор биринчи синф ўқувчилари таълим олаётирлар. Ўқувчиларнинг машғулотлар хоналари назаримизда замон талабларига тўлиқ жавоб беради, кичкинтойларнинг ўқиб ўрганиши, дам олиши, ҳордиқ чиқариши учун шарт-шароитлар муҳайё этилган. Дарҳақиқат, боғча остонасида ёзиб қўйилган «Болаларга беринг дунёни» деб номланган шиорга «Лола»нинг барча жамоа аъзолари бирдек амал қилаётирлар.

«КАРВОН КЎРДИМ ТУЯЛАРИ БЎЗЛАБ КЕЛАР...»

Табиат — бизнинг онамиз. Уни асраб-авайлаш биз фарзандларнинг муқаддас бурчимиздир. Бу тушунчаларни болалар онгига ёшлигиданоқ сингдириб бориш, уларда она табиатимизга нисбатан меҳр-муҳаббат ҳиссини камол топтириш шу кунимизнинг энг долзарб талабларидан биридир. Айтиш мумкинки, «Лола»да ана шу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Барча гуруҳ хоналарида «Табиатни асранг» бурчаги ташкил этилган. Бундан ташқари боғчада алоҳида табиат муҳофазаси хонаси ҳам мавжуд. Бу хонада Узбекистон Республикаси, Сурхондарё вилояти ва Шурчи тумани табиати фаслларга ажратилган ҳолда чиройли кўргазмали стендлар ва қўлда тайёрланган кўргазмалар асосида курсатиб берилган. Хона шунчалар кўргазмаларга бойки, унда ҳозир муҳофазага муҳтож бўлган қанчадан-қанча парранда-ю даррандага, жонлию жонсиз мавжудотларга тушунча берилган.

Беихтиёр диққатимизни «Саҳроларимиз табиати» бўлимидаги туялар ўзига тортди... Саҳро қумликлари оша йул тортиб келаётган карвонлар. «Буюк ипак йули» бўйлаб келаётган карвонлар Шурчи шаҳрига етиб келганмиш... Олдинда «нор туя»да карвонбоши, ортда сонсаноқсиз туя минган карвон аҳли...

Ишонинг, бу афсона эмас, тарихий ҳақиқат. Ана шуларнинг ҳаммасини «Лола»нинг ижодкор тарбиячилари бунёд этишган.

КИЧКИНТОЙЛАРНИНГ МИТТИ ЎТОВЛАРИ

Сурхон воҳаси аҳлининг бобокалонлари азал-азалдан чорвачилик билан машғул бўлиб келишган. Улар ҳали у яйловга, ҳали бу яйловга кўчиб утиб, қўй-қўзиларини боқишган. Кўчманчи чорвадорларга «кўчма уй» — утов ўта қўл келган. Айни кунда маданий тарзда турмуш кечираётган шўрчиликларнинг кўпчилиги, хусусан ёшлар «утов уй»ни унутишган.

Ҳа, «Лола»да Сурхон элининг тарихини ўрганишга катта эътибор қаратилибди. Деярли барча гуруҳ хоналарида худди ана шу мавзуга бағишланган махсус бурчаклар ташкил этилибди.

Мана, кўз ўнгимизда ўрта гуруҳ болалари тарбиялананадиган хонада ташкил этилган «Шурчи тарихи» бурчаги. Ушбу бурчакни тарбиячи Анорхон Амирова бунёд этибди. Қанчалар ҳаётий ихтиролар! Ўртада чўпон ўтови. Қутонда қуй-қўзилар ётибди. Осиб қўйилган кадиларда сут-қатиқ ивитилган. Утов ёнидаги супада эса Қўнғирот момомиз чанқовуз чалаяпти.

Сиз «Шурчи тарихи» бурчагидан нарига ўтиб кета олмайсиз. Беихтиёр хаёлингиздан:

«Ахир, юртбошимиз такрор ва такрор таъкидлаб келаётган қадриятларимизни тиклаш, боболаримиз меросини ўрганиш, авлодларимизнинг қиёси йўқ санъатларини ўрганиш каби масалалар айнан шу ишлар эмасми?» деган фикр ўтади.

«ЁРИЛТОШ, СЕН ЁРИЛГИН-А...»

Узбек халқи оғзаки ижодининг ноёб дурдоналаридан бири ҳисобланмиш «Ёрилтош» эртагини қайси бола билмайди дейсиз?

Боғчадаги «Эртаклар оламига саёҳат» деб номланган залга қадам ранжида қилган киши, у хоҳ катта бўлсин, хоҳ ёш бола бўлсин, беихтиёр биринчи галда «Ёрилтош» эртагига бағишланган бурчак олдида тўхтаб қолиши аниқ.

Мен «Ёрилтош» эртагига бағишланган бурчакда бўлганимда кўз ўнгимда раҳматли бувим гавдаландилар... Мен бир неча дақиқа бўлса ҳам ширин болалик дамларимга қайтдим. Ана, раҳматли бувим айтиб берган «Ёрилтош»даги катта харсанг... Ана у ёрилди. Унинг ичидан ўша нолакор қизчанинг опаси чиқиб келди...

Халқимизда «Излаган имкон топади» деган ибратли бир нақл бор. Бу қанчалик ҳақ гап эканлигига биз «Лола»да бўлганимизда яна бир бор ишондик.

Абдували ОБИДДИНОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

ажратилган. Натижада эксперт қабул қилинган қарор учун маънавий жавобгарликдан озод бўлади.

Қарорнинг қабул қилинишининг ўзи бир ечимга эга эмас. Истеъдодли тадқиқотчининг етарлича кучли бўлмаган диссертациясига овоз бериш керакми? Яхши маъмуриятчининг илмий соҳада кўтарилишини қўллаб-қувватлаш лозимми? Олимнинг илмий дастурини баҳолаш, қўллаш ёки танқид қилишда унинг фаолиятининг этик томонларини ҳисобга олиш керакми?

Шундай қилиб, илмий-ташкилий соҳада олимнинг этикавий фикри кучсизланади, вақти-вақти билан у аморфлик даражасигача ўзгарувчан, коньюнктура, маъмурият қаршилигига сезгир бўлиб қолади. Шунинг учун олим бу соҳада этикавий муаммоларга дуч келади. Бу муаммоларни ечиш учун кўп ҳаракат қилиб, ўзи бевосита ҳеч нарса олмайди ёки ўзи ҳеч нима қилмайди, лекин қарори учун бошқалар жавоб беради.

Ўйлаймизки, илмий-ташкилий фаолиятнинг этикавий меъёрлари илмий ишларнинг ўзидаги меъёрларга ухшашдир. Касбий этиканинг бир хусусияти — бардошлилик илмий-ташкилий соҳада алоҳида ўрин тутади.

Фанда ўз ўрнига эга олимлар бошқача фикрдаги шахсларга маъмурий таъсир кўрсатмасалар-да, уларнинг энди иш бошлаётган ёки омадсизроқ ҳамкасбининг ишлари ҳақида кўпчилик олдида айтган нотўғри ёки юзаки фикрлари жамоат олдида чиқарилган ҳукм сифатида намоён бўлади ва мазкур тадқиқот муаллифи танлаган йўлнинг тўғрилигига ишончни йўқотади.

Илмий чидамлилик нуқтаи назарнинг кенглигини, фанни ташкил этиш тамойилларини тушунишини, унинг тараққиётидан манфаатдорликни тахмин этади; у олимдан шахсий чекланганлик, шахсий ёқтириш ва ёқтирмасликни енгиб ўтиш ва ҳатто ўз манфаатига қарши бўлган ҳаракатларни қилишни талаб этади. Яъни, агар тадқиқот соҳасида субъективизм одатий ва ҳатто фойдали ҳодиса бўлса, у ҳолда чегараланган объективлик ва чидамлилик илмий-ташкилий фаолиятда мажбурийдир.

Илмий этика тамойиллари содда ва табиийдир; улар олим учун ҳам, фан учун ҳам жуда муҳимдир.

Табиийки, фаннинг доимий олға ҳаракати ўзининг илмий ва ташкилий соҳалардаги шахсий консерватизми билан тўқнаш келади. Шунингдек, олимнинг шахсий манфаати ғоҳида ҳаққоний ва одобли бўлишга ҳалақит беради. Умуман олганда, касбий этика меъёрларига риоя қилиш учун икки шарт — олимнинг мустақиллиги ва жамоатчилик фикрининг юқори талабчанлиги бажарилиши лозим.

Олимнинг мустақиллиги фанни ташкил этишнинг барча босқичларида кўзда тутилган бўлиб, унинг кўпмарказлилиги, маъмуриятга боғлиқ бўлмаган илмий кенгашлар ва экспертларнинг ҳуқуқий ўрни, шунингдек барча тадқиқотчиларнинг илмий мажлисларда кўрилаётган масалалар бўйича ўз фикрларини очиқ айтиш ҳуқуқи асосида таъминланади. Лекин фанни ташкил этиш тамойилларидан бири бузилган тақдирда асрлар мобайнида яратилган механизм ишдан чиқади. Жумладан, биринчи навбатда тизимнинг этикавий компоненти зарар кўради. Шундай вазиятлардан бири кўп марказлиликнинг чегараланишидир.

Фаннинг бундай ташкил этилишида маблағларга, илмий ходимларга жуда кучли боғлиқлик вужудга келади. Бундай ҳолларда олим илмий ёки ташкилий соҳада раҳбариятнинг иш тутиш йўлига тўғри келмаган ўзининг мустақил йўлини ҳимоя қилиш ёки амалга оширишдан маълум даражада ҳайиқиб туради.

Табиийки, олим ўз ишини доимий таҳликага қўя олмайди, ўз мавқеини узлуксиз бўшаштира олмайди. Унинг этикасида касбий этикадан мумкин бўлган четга чиқишларни мумкин бўлмаганларидан ажратувчи чегара пайдо бўлади. Бу чегара анчагина субъектив бўлиб, у вақт ўтиши билан вазият таъсирига осонгина берилувчи ҳолига келади.

Жамоат фикри ҳам юмшаб боради. У олимдан доимо таваккал қилишни талаб эта олмайди. У мансаб йўлида этиканинг бузилишини кечирмайди, бироқ объектив вазиятлар сабабли қилинган келишувчиликни ҳам айбламайди.

Принципсизликка боғлиқ бўлган бошқа вазият ҳам ўзига хос ҳодисадир. Мустақилликнинг йўқотилиши унинг асосида ётади. Бу ҳолни «киши ўз ўрнида эмас» формуласи билан белгилаш мумкин. Агар олим ҳақли суратда ўз ўрнида бўлса, у ҳолда унда турғунлик, мустақиллик, ички эркинлик ва вазминлик ҳисси уйғонади. Натижада виждон овозини осонгина эшитишга шароит яратилади. Бундай киши ўз обрўсини қадрлайди ва ўзини фаннинг жонли таркибий қисми, уни элтувчиси ва арбоби деб ҳис қилади.

Киши фанда ўз ўрнида бўлмаган ҳол бутунлай бошқа масала. Бунда кишининг ўзида ҳам, шахсий фикрида ҳам ички ишонч бўлмайди; нафақат ички, балки ташқи мустақиллик ҳам бўлмайди, чунки у ўз ҳолига кўра кимгадир боғлиқ.

Ўз ўрнида бўлмаган киши ўзига душман бўлмаса-да, у илмий этикага душман бўлади. Чунки этика фаннинг табиий тузилмасини белгилайди, ундаги мансаб, обруга қараб босқичли бўйсуниш (иерархия)ни таъминлайди. Ўз ўрнида бўлмаслик, қисқаси, жуда даҳшатли бир ҳол: у атрофда ўлик соҳа яратувчи, хароб қилувчи кучдир. Ўз ўрнида бўлмаган кишилар туфайли илмий этиканинг оддий меъёрлари ҳам сақланмайди.

Олим киши ҳаётида шундай вазиятлар бўладики, унда этикани сақлаш учун у шахсий иши манфаатларидан ҳам кечишга мажбур бўлади. Бундай ҳаракатнинг самараси жуда паст бўлади.

Олинган муҳим натижани, бошқа кучлироқ лабораторияларда ундан фойдаланган ҳолда тезроқ янги ишланма бериб қўйишини билган ҳолда, маъруза қилиб ёки нашр этиб, эълон қилишга шошиш шартмикан? Бирор масала ҳал бўлиб, уни ўзгартиришнинг иложи йўқлигини билган ҳолда, уни ёқлаб ёки унга ҳарши бирор фикр айтиш керакми? Лавозимидан этикага хилоф равишда четлатилган бирор кишининг жуда маъқул иш жойига таклиф этилганида, таклифга рад жавобини беришлик лозимми? Ва ниҳоят, маъмуриятнинг этик бўлмаган қарорига қарши эътирозни олим ишдан кетиш йўли билан ифодалашга йўл қўйиб бўладими? Олимлар учун доимий бўлмаса-да, учраб турадиган баъзи бир муаммолар ана шулардан иборат. Бу муаммолар илмий этикани шахсий тушуниш асосида ва жамоат фикри талабига кўра ҳал этилади.

Масалани ҳал этишнинг энг кўп тарқалган тамойилларидан бири прагматик тамойиллардир. У ҳаракатнинг ҳақиқий натижасини унинг «қиймати» билан, яъни олим қилган ҳаракат туфайли олинган зарар билан таққослашнинг зарурлигига асосланади.

Натижада ўзига хос саволлар туғилади: «Бундай вазиятда мен қандай ёрдам қилишим мумкин? Ўз жиддий ҳаракатим билан ишга зарар етказмайманми? Умуман, таваккал қилишга ҳаққим борми?». Лекин, прагматик ёндашганда, биринчидан, маънавий келишув йўлига ўтган олим учун бўлган катта маънавий зарар назарга олинмайди, иккинчидан, илмий уюшманинг этик асосларига путур етказилади.

Олим учун эркинлик бўлгандагина сермаҳсул ишлайди деб, таъкидлаган эдик. Бундай ҳолатга бирдан эришилмай, кўп сонли синов ва хатолар, ҳақиқий ва ташқи муваффақиятлар натижасида эришилади. Ички эркинлик ҳолати қанчалик қийинчилик билан эришилса, у шунчалик қимматли бўлиб, шунчалик эҳтиёт қилинади.

Бироқ ички дунё бир бутундир. Илмий уюшма тамойилларига хиёнат қилар экан олим ички мувозанатни бузади ва ўзининг тадқиқотларидан ҳам, унинг натижаларидан ҳам роҳат олиш қобилиятини йўқотади. Биз, авваламбор, ўзимиз учун этика талабларига бўйсунамиз. Биз этика талабларига кўпинча, ачиниб ва ғазабланиб бўйсунамиз, чунки бошқача ҳаракат қила олмаймиз. Илмий виждонни унутиб, биз тадқиқотчилик хусусиятимизни йўқотамиз. Ҳар бир этик ҳаракат, албатта, нафақат шахсий, балки ижтимоий самара ҳам беради. Уни тор прагматик йўсинда баҳолаш мумкин эмас. Этик ҳаракатлар бир мажмуа ҳолида рўй берганда, ҳақиқий самара беради. Бунда мажмуа элементлари шунчаки йиғилмасдан, балки занжир реакциясимон ҳаракатни бошлаб беради — улар портлаш ҳосил қилади ёки сунади қўяди. Ҳар бир этик ҳаракат натижасини, одатда, олдиндан айтиб бўлмайди.

Ҳарқалай, шундай, прагматик нуқтаи назарда кам натижали ҳаракатлар самараси нималарда ўз ифодасини топади?

Биринчидан, қарор қабул қилувчи ҳар бир кишининг шахсий масъулиятни сезишининг кучайишида.

Иккинчидан, жамоат фикри талабларининг шаклланиши ва кучайишида. Ва ниҳоят, намуна кўрсатиш ҳамда илмий уюшманинг метастабил қисмини ҳаракатга келтирувчи дастлабки туртки кучида.

Юқоридаги мулоҳазаларимизни тугатар эканмиз, у фан ривожланишининг моддий омиллари каби муҳим бўлган илмий фаолиятнинг этик жиҳатларига диққатни жалб этади, деб умид қиламиз.

Раҳим БЕКЖОНОВ,
академик, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби.

Иброҳим РАҲИМ — 80 ёшда

ДАВРЛАР АКС-САДОСИ



Бу бўстонда ҳамиша ҳаёт, орзу-умид ва даъват қўшиғи, муҳаббат ва яшаш учун кураш қўшиғи янграб туради, қуёши дилларга нур тарайди. Унинг куйи ташриф буюрган кўнгилнинг чигалини ёзади, севги шаробини ичириб, вужудингни ишқ алангаси билан ловуллатади, ҳис-туйғусига ҳис-туйғу, умидсизга эзгу ният, лоқайдларга қайноқ юрак ато этади. Унинг кўксида ўтмишнинг, бугуннинг, келажакнинг ораги уриб турибди. Ҳа, бу ширин хаёл, шижоат майдони, ишқнинг оромбахш шивир-шивири, бу энг саховатли ва энг салоҳиятли устоз сабоғи, беминнат сарбон, ҳа, бу — адабиёт бўстони! Унинг чек-чегарасиз саҳнидаги бир-бирига туташ, хилма-хил чаманзорлар бир-бири билан бўйлашиб, ўзининг бўлакча-бўлакча раъно-лигини, райхонлигини, атир-гуллигини, жозибасини ва нафосатини кўз-кўзлайди.

Ҳозир ана шу қиёссиз бўстонни оралаб-оралаб ва ниҳоят устоз Иброҳим Раҳим, Сизнинг бошқаларга сира-сира ўхшамайдиган, меваси тўкин, қийғос очилган ўша номдор гулистонингиз остонасида ҳаяжон билан турибмиз. Боғингизга ҳавасим келяпти. Кутилганда ва зарур бўлиб қолганда ҳосилга кирган мевалар, хушбўйи уфуриб турган гуллар. Гулшан ичра бир-биридан гўзал, дилбар, нафис, кўҳли «Чин муҳаббат», «Ихлос», «Тақдир», «Тинимсиз шаҳар», «Фидойилар», «Одам қандай тобланди», «Генерал Равшанов» ва булардан хиёл мўъжазроқ, аммо довруғли «Ҳилола», «Зангори кема капитани», «Оловкор», «Сен туғилган кун», «Мангулик қўшиғи», «Жоним фидо», «Чақмоқ», «Ёшлик қайтиб келмайди» номи билан аталадиган алоҳида-алоҳида чорбоғларингиз осонликча яратилганми?!

Воқелигимизнинг энг янги куртакларини, халқ қурилиши машаққатларини, зафарларини улуғлаш, онг ва қалб уйғониши учун курашни олға силжитиш, жамиятни янада ривожлантиришга интилиш, янгиликни кўра билиш ва ҳимоя қилиш, қаҳрамонларни ҳаётнинг етакчи оқимидан олиш, замоннинг муҳим муаммоларини ҳал этишда қатнашиш — бу мураккаб дунёни билиш, уни тушуниш, истиқлол ва истиқбол учун ўзини бахшида қила олмоқ кучига ва муҳаббатига эга бўлиш ифодаси эмасми?! Мураккаб дунё! Кўп нарсани билмай, кўп ўйланмай, кўп кезмай, одамлар дарди билан яшамай, ҳузур-ҳаловатдан кечмай, муҳаббат ўтида ёнмай унинг ичига кириб бўладими?!

Томчида қуёш акси кўринганидай, муқаддас бўстонга илк қадамларданоқ «Янгилик куртаклари»ни (биринчи китобингизнинг номи шундай эди) олиб киргансиз. Ҳамон янгилик куртакларини қидириб, уни қиссаларда, романларда, очеркларда кўрсатяпсиз. Ўз вақтида «Механизаторнинг ўйлари», «Қўшкечик», «Турсуной ва унинг дугоналари» янгилик куртаклари эди. «Ҳилола», «Тақдир», «Ихлос», «Оловкор» ҳам, «Генерал Равшанов» ҳам! Маданиятимиз, анъаналаримиз, ғурур ва ифтихор туйғулари, тилимиз тозалиги, равнақи ҳақида ёзилган юз-юзлаб очерк ва ўткир мақолаларингиз, катта ва кичик йиғинлардаги чиқишларингиз ҳам! Шунинг учун ҳам адабиётимизнинг кўрк савлатини сизсиз тасаввур этолмаймиз. Шунинг учун ҳам қаҳрамонларингиз кўксига қулоқ тутиб, замондошларимиз кураши, ўй-орзулари, муҳаббатлари акси-садосини эшитяпмиз. Сиз уч уруш иштирокчиси бўлгансиз, жанг майдонида сапёр, кичик командир, взвод командири, ротанинг сиёсий ишлар бўйича раҳбарлигидан то гвардиячи майор даражасигача кўтарилиб, мардлик, жасурлик, ўзини аямаслик намуналарини кўрсатгансиз. Ҳарбийдан қайтгач, баракали ижод билан бирга турли йилларда «Қизил Ўзбекистон» газетаси, «Гулистон», «Муштум» журналларининг бош муҳаррири ва «Ўзбекфильм» студияси директори сифатида ҳеч кимдан яхшилигини дариғ тутмай, шиддату шижоату жасорат билан хизмат қилганлигингизни қадрлаймиз.

Булар — табиат Сизга инъом этган чек-чегарасиз куч-қувват, бардош, истеъдод чашмаси, таржимаи-ҳолингизнинг бойлиги, унинг меваси! Сиздан янгиликлар олиб, ўрганиб, кўникиб қолганмиз. Тилимиз учида турган, ҳали кўзимиз илғаб етолмаган янгилик куртаклари билан бизни бахраманд этаверинг! Ҳозир Сизнинг шаънингизни шарафлаш, ҳурмат ва эътиқодимни изҳор этиш ҳаяжонида хаёлим бисотидан сўз қидиряпман, ҳеч бири кўнгилни тўлдирмаяпти. Сизга айтмоқчи, Сизга демоқчи бўлган эзгу истакларимнинг ифодасини донишманд бобокалонимиз Мирзо Абдуқодир Бедилнинг қуйидаги сатрларидан топгандайман. Улуғ файласуф шоир ҳам менинг ёнимда туриб, Сизни қутлаётгандай. Мен бу гўзал тўртликнинг маъноси баёнини келтиряпман.

Эй, тез пишар мева, равнақ топгин, асло қарима, янгилик ва тараққиётнинг туғилиши фаровонлик демакдир.

Эй, сен янги мазмун, ҳеч вақт қарима!

Ҳа-ҳа, устоз, ҳеч қариманг! Ҳозир ана шу самимий тилаклар ва беғубор хаёллар бағрида Сизнинг ҳақингизда, 80 ёшлик тўйингиз ва босиб ўтган тоза йўлингиз хусусида шеърий сўз айтгим келяпти:

Сўз айтиб, ул комил устоз ҳақида,
Ёдимга тушяпти битта ақида:
Одам кексайганин қачон сезади,
Беҳуда хаёллар қачон эзади —
Орзу умидидан воз кечган дамда!
Хотиралар билан қолган одамда —
Кўнгил деганлари доим ғашланар,
Кексалик ана шу ондан бошланар!
Олтмишга етмасдан қариганлар бор,
Ғайрати бутунлай ариганлар бор,
Мадҳим сабабчиси саксонга етиб,
Атрофда ким бўлса, кўнглин чоғ этиб,
Муроду мақсади қалашган ҳамон,
Вақтини орзулар талашган ҳамон,
У шундай яшади таниб эсини,
Сен халқни ўйласанг, халқ ўйлар сени!
Унинг асарлари — дуру зарими —
«Зангори олов» кишиларими?
«Сен туғилган кунми», «Ҳилола» ми ё,
«Тинимсиз шаҳар» ҳам сочади зиё.
«Фидойилар» ишқи курашда ортар,
«Жоним фидо», «Чақмоқ» хаёлни тортар,
«Қалбингда қуёш» бор чиндан ҳам Акбар,
Кўнгилда «Фарҳоднинг жасорати» бор.
«Чин муҳаббат», «Ихлос», «Тақдир» қаршимда,
Йўл-йўриғи мадад ҳар бир ишимда!
Замон Омоновни суйди эл нега?
Ҳилоламиз қандай хислатга эга?
Ўлмасдир Бардошнинг элга вафоси,
Саодат меҳримиз оҳанграбоси.
Адолату, Нормат муҳаббатидан,
Сочилган нурлари қалбин қатидан!
«Мангулик қўшиғи» ҳаёт ошиғи,
Юракда ёнади муҳаббат чўғи!
Мен севган сиймолар тиклаяпти қад,
Ёнимда «Туғилиш», яна «Оқибат»,
«Генерал Равшанов» кўнгилга чироқ,
Қайта тирилгандай бобомиз Широқ.
Эъзозу ардоқлар заҳмат туфайли,
Юртда бугун устоз сўзининг сайли.
Ғунчалар чоғланган юзин очишга,
Гулзорлар шошилган хушбўй сочишга.
Булбулу тўтилар бошлади розлар,
Ҳофизу машшоқлар созини созлар.
Юзин очиб турган оппоқ қоғозлар,
Муҳаббатга лим-лим ширин овозлар
Иброҳим Раҳимдан сўйлайди бугун,
Иброҳим Раҳимни куйлайди бугун!

Йўлдош СУЛАЙМОН.

Ўзбекистон — Ватаним маним

ШЕЪР — КЎНГИЛ ЭҲТИЁЖИ

Шеър — юрак акси. У ботиний эҳтиёж туфайли дунёга келади. Шеърда дард бор. Биз — «дард»ни фақат салбий маънода илғаймиз. Аслида бу унчалик тўғри эмас. Дейлик, шеъриятнинг дарди Ватан, Муҳаббат, Диёнат, Садоқат...

Шеър — кўнгил эҳтиёжи. Сиз шеър ёзмайсиз. Буйруқни бажарасиз, холос. Буйруқбоз эса биз юқорида зикр этган «дард» бўлади.

Аввал хабар қилганимиздек республикамиз ёш қаламкашларининг бу йилги «Нафосат» деб номланган шеърият байрамида ҳам кўнгилнинг туб-тубидан отилиб чиқаётган ана шу дард тингловчиларни бир баҳя фасоҳат гулшанида мезбон айлади. Дарвоқе, мазкур мушоира «Ўзбекистон — Ватаним маним!» шиори остида бўлиб ўтди.

Дарҳақиқат, шаҳримиздаги республика биттаси «Ҳар қандай ишонарли ҳақиқатда ҳам заррача бўлса-да ёлғон бўлади» деган экан. Биз ҳам ҳикоямиз деворига фақат ижобий сўзларни ғишт қилиб қўймасдан баъзи камчиликлар хусусида ҳам бироз тўхталиб ўтишга қарор қилдик.

Мушоира давомида баъзи ўқувчиларнинг ижодларини кўздан кечирдик. Қизиқ, фикрлар жўяли, туппа-тузук шеърнинг ҳиди келиб турибди-ю, лекин шеърнинг биронта қонуниятига бўйсунмаган. Демак, ўқувчи вазн, қофия, бўғин деган шеърият қурилишидаги зарурий «ашё»ларидан тўла хабардор эмас. Хўш, ким айбдор? Ўқувчими?

Бизнингча, мактабдаги она тили ва адабиёт ўқитувчилари бу ҳақда ўйлашига тўғри келади.

Ўтмишнинг кўп ва хўб билгичларидан яна биттаси «ҳар қандай ёлғонда ҳам заррача бўлса-да ҳақиқат бўлади» деган экан. Нима бўлганда ҳам уша ўқувчи дилидагини тилига кўчириб Ватанни, миллатни ирок эта олибди-ку! Шунинг ўзи қувонарли эмасми?! Биз юқорида шеър ички эҳтиёж эканлигини таъкидладик. Демак, бугун болаларимизда Ватан, Диёнат, Миллат ҳақида сўз айтмоққа бир эҳтиёж туғилибди-да! Демак, бугунги авлод ўзлигини таниб, Ватанни идрок этибди-да! Шундай хаёлларга бораркансан эртанги кунга. келажакнинг буюклигига яна бир карра ишонгинг келади.

Дарҳақиқат, сўнгги мақсадга кўчсак. Кеча сўнгида мушоирада иштирок этган барча қаламкашларга қимматбаҳо совғалар, фахрий ёрлиқлар топширилди. Эсдалик совғаларини маънавият ва қўшимча таълим бошқармаси бошлиғи муовини Тоҳира Султонова тантанали равишда топширди.

Хуллас, ёш ўқувчи ижодкорларнинг мушоира кечаси худди шу тарзда ҳаяжонли кечди. Сиз, азиз газетхонларга ҳам ушбу ҳаяжонларимиздан бир қопини ҳадя қилмоқчимиз. Яъни мушоира кечасидан ёзиб олган баъзи ижодкорларнинг ашъорларидан намуналарни ҳукмингизга ҳавола қиламиз. Фақат уларга сиз ҳам ўқувчи бўлиб кўз югуртирасиз. Ахир, ўлжага ҳар ким имконига қараб ташланади-да!

Алишер НАЗАРОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

ТУШУНИНГДА, МУАЛЛИМ...

Мен бугун вилоят болалар ва ўсмирлар маркази ҳузуридаги «Ниҳол» адабий тўгарагининг аъзосиман. Ёшлигимдан шеърлар машқ қиламан. Мен баъзан шунга амин бўламанки, шеър инсоний дард, уйчанлик ва ҳайратдан яралади. Шу ҳайратлар баҳона бўлиб яхшими-ёмонми баъзи шеърларимни бугунги мушоирада ўқиб бермоқчиман.

ҲАР КУНИ

Эрталаб турсам ойим,
Ширчой пишириб доим
— Чойингни ич, қизим дер
Ҳар бир сўзи мулойим.
Сўнг тараниб, кийиниб,
Мактабга йўл оламан.
Она мактаб бағрига
Хурсанд кириб бораман.

АЙБ МЕНДА ЭМАС

Дангаса Абдусалим, дарсин қилмай келибди.
Жаҳли чиққан муаллим, роса танбеҳ берибди.

Салим андак қизариб, дебди: урушманг домлам
Дарсим ёзмоқчи бўлиб қўлимга олдим қалам.

Мендан хафами қўлим, билмайман нега ёзмас
Тушунингда муаллим, айб фақат менда эмас.

Комила ҲАЙИТОВА,
Навоий вилояти Кармана шаҳридаги Беруний номли мактаб ўқувчиси.

ҚУЁШГА БОШЛАЙЛИК БУ КЕНГ ДУНЁНИ

Мен ҳаётни шеър деб тушунаман. Менинг бу фикрим хато бўлса ҳам иложи бўлса газетангизда ёзинг. Барибир бу фикр мен учун тўғри. Чунки шеърни севаман. Ким билсин бу қисмат шоир бобом Искандар Қаландаровдан менга мерос қолгандир. Баъзан ҳайқиргим келади: «Одамлар шеър ёзинг». Чунки шеър сизиб чиқаётган юракда бир муқаддаслик бўлса керак деб биламан.

ҲУМО ҚУШИМ

Ҳумо қушим, жон қушим,
Қанотингни қоқиб кел.
Узоқлардан мен томон,
Бахтим бўлиб оқиб кел.

Замин бўйлаб қулоч ёз.
Турон қизи қуйлагай.
Туркистоннинг мадҳини
Кенг жаҳонга сўзлагай.

Ҳумо қушим, жон қушим,
Қанотингни қоқиб кел,
Истиқлол нури билан
Эл-юртимга боқиб кел.

БАҲОР ТАРОНАСИ

О, гўзал табиат мунча дилбарсан,
Қалбимда жўш урар ҳислар туғёни.
Қўлларим узатдим менга қўл берсанг,
Қуёшга бошлайлик бу кенг дунёни.

Қулочим кенг ёйиб мовий самони
Қучгим келар хаёл саргашта кезар.
Келақол баҳоржон, гул чечакларнинг
Соғинчи бу ташна қалбимни эзар.

Зубайда ЭШЖОНОВА,
Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги Огаҳий номидаги 1-лицейнинг 10-синф ўқувчиси.

КЕЛАЖАГИ БУЮК АВЛОДЛАР ҲАҚҚИ

Дунёда кўп нарсалар абадий бардавом. Шулардан биттаси шеърият. Назаримда, шеъриятда ҳам баъзи мавзулар борки, ўткинчи, мавсумий. Менимча Ватан, муҳаббат деб куйланган қўшиқлар ўлмаса керак. Тўғрисини айтсам мен ҳам кўпинча шу мавзуларда шеър ёзишни орзу қиламан.

ЎЗБЕГИМ

Армон билан ўтган боболар ҳаққи,
Ёридан тул қолган момолар ҳаққи
Ота меҳрига зор фарзандлар ҳаққи,
Истиқлолинг асра, асра ўзбегим!

Бугун мустақилсан озод, ҳур элим,
Қалби қуёш, меҳри дарё дур элим.
Жаннатмакон юртда даврон сур элим
Истиқлолинг асра, асра ўзбегим.

Бугун ўз элингда иймонинг бутдир
Бугун ўз тилингда сўзлар етуклар,
Бугун ўз уйингда ғамлар унутдир,
Истиқлолинг асра, асра ўзбегим!

Наргиза БЕГИМҚУЛОВА,
Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 51-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.

ДУНЁГА ТАЛПИНИБ ЯШАЙМАН

Бир куни шоир бўлсам... Мени шу туйғулар эртанги кунга рағбатлантиради.

Албатта, шеър ёзаётган киши ниманингдир турткисидан илҳомланиб қалам тебратади. Бу аниқ. Менинг «Нимадир»им эса табиат, Ватан, келажак, устозларим.

ШУНДАЙ ЯШАЙМАН

Бу замин харобага айланса,
Орзулар саробга айланса,
Қиёфанг юракка жойланса
Самога талпиниб яшайман.

Заминда садоқат қолмаса,
Оллоҳга итоат қолмаса,
Қачонлар Мажнунни сийлаган
Саҳрога талпиниб яшайман.

Ошиқлар унутса ҳаёни
Булутлар беркитса зиёни
Кўрмасам бир ўтли вафони,
Мен кимга талпиниб яшайман.

Недур у вужудим тирнаган,
Бу митти юракка сиғмаган
Ажабким мен ўзим билмаган,
Дунёга талпиниб яшайман.

Латофат ЖЎРАБОЕВА,
Жиззах вилояти Жиззах шаҳридаги 12-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.

Ўлкамизни ўрганамиз!

Сайёҳлик камолоти

Республика ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази 1936 йилда республика болалар саёҳат қўнимгоҳи тарзида ташкил қилинган, бу ташкилот юртимизга ташриф буюрган турли гуруҳларни Ватанимизнинг диққатга сазовор жойлари, маданияти, тарихий ёдгорликлари билан таништирган ҳамда ўқувчи гуруҳларини бошқа шаҳарларга сайрга юборган.

1940 йилларнинг охири ва 1950 йилларнинг бошида қизлар ва ўсмирлар ўлкашунослик ҳамда саёҳат сирларини ўрганиш мақсадида республика бўйлаб сафар қилганлар. 1957 йилдан бошлаб эса марказимиз «Текстильщик» оромгоҳида, сўнгра сой бўйида ўз оромгоҳига эга бўлди. Ўлкашунос ёшлар бир неча йил мобайнида «Жонажон ватаним менинг» шиори остида республика вилоятларини айланиб, қўплаб ноёб топилмалар, фойдали қазилма бойликлари, маъданлар йиғдилар. Шунингдек, Шоҳимардон, Ўш, Арслонбоб, Хива, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Наманган, Қўқон каби жаннатмакон жойларни томоша қилдилар.

Марказимизга турли вақтларда раҳбарлик қилган А.Хлебушкина, Сайганов, М. Г. Хабибулин, Р. Б. Бобораҳимов ва Ш. М. Назаровларни ифтихор билан эслаймиз.

Бу йил Республика ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар марказининг 60 йиллик тўйи, «Ёш ўлкашунос» оромгоҳининг 40 йиллиги, Республикамиз мустақиллигининг 5 йиллиги ҳамда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги «Ордай» оромгоҳида «Ёш геологлар» Республика 5-мусобақаси бўлди. Наманганда Республика музей раҳбарларининг семинар-кенгаши, ёш инструкторлар, сайёҳ-ташкилотчиларнинг Республика миқёсида тадбирлари амалга оширилди.

Саёҳат умумий маданиятнинг бир қисмидир. Шу боис болаларни сайёҳлик-ўлкашунослик йўли билан тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнда эса қуйидаги вазифалар ҳал қилинади:

— соғлиғини мустаҳкамлаш ва чиниқтириш, организмнинг жисмоний жиҳатдан тўғри ривожланишига ҳамда ишчанлик қобилиятининг ўсишига ёрдамлашиш;

— ўлкашунослик малакалари ва кўникмаларини таркиб топтириш ҳамда такомиллаштириш, унинг янги турларини ўрганиш ва шулар асосида билим бериш;

— асосий ҳаракат сифатларини — кучлилик, чидамлилик, тезлик, чаққонлик ва билимдонликни ўстириш;

— ирода, ботирлик, қатъийлик, интизомлилик, дўстлик ва ўртоқлик туйғуларини, маданий ахлоқ, меҳнат ва жамият мулкига яхши муносабатда бўлиш малакаларини тарбиялаш;

— гигиеник малакаларни сингдириш, жисмоний машқлар ва чиниқиш гигиенасига мувофиқ билимлар бериш;

— ташкилотчилик малакалари ҳосил қилиш, жамият фаолларини тайёрлаш.

Мактабда олиб бориладиган синфдан ташқари тўгарак, спорт мусобақалари ва мактабдан ташқари оммавий спорт тадбирларини (болалар ижодий Маркази, сайёҳлик-ўлкашунослик Маркази, спорт жамиятлари ва ўқувчиларнинг яшаш жойлари, болалар ва ўсмирлар мактаблари, ўқувчиларнинг мактаб ва ҳовли қошидаги майдончаларда, стадион ва бошқа жойларда саёҳат билан мустақил шуғулланишлари) ўз ичига олади.

Сайёҳлик камолоти — бу кишида аввал жисмоний сифатларнинг юқори даражада ривожланганлигидир. Жисмонан яхши ривожланган киши тўғри ва енгил қадам ташлаб юриш, тез югуриш, сузиш, чанғида юра олиш каби ҳаётда муҳим аҳамиятга эга бўлган малакаларни мукаммал эгаллаган бўлади.

Кишини ёшлигидан сайёҳлик — ўлкашунослик ишлари билан мунтазам тарбиялаб бориш натижасидагина бунга эришилади. Шу боис марказимиз фаолиятининг бош мақсади ёшларни сайёҳлик камолотига эришишига чинакам ғамхўрлик қилишдир. Чунки соғлом авлод соғлом келажак эгасидир.

Бахтиёр ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Республика ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази услубчиси.

Хуллас...

ҲАЙ-ҲАЙ!

Швециянинг «Свенска дагбладет» газетаси берган хабарни эшитиб, ҳайратдан ана шундай товуш чиқаришингиз тайин. Газетанинг дараклашича, профессор Хаим Расмон етовидаги исроиллик археологлар экспедицияси Субайт мавзесида қазишма ишларини олиб борган. Қадимият маданиятига оид ноёб топилмаларни ёруғлиққа олиб чиққан.

Бироқ, асосийси, бу эмас. Қазишманинг интиҳосида ковлагичларга одам жасадининг скелетлари учрай бошлаган. Яна қандай одамлар денг, шохдор одамлар. Мазкур топилдиқлар одамшуносларнинг бошини хўп қотиряпти. Бу ёғи энди неча пулга тушди. Ҳай-ҳай!

ЭНГ КАТТА ЮТУҚ

Литвадаги «Телелото» ўйинида ҳозирча номаълум лотерея харидори энг катта ютуққа мушарраф бўлди. Уни 557 минг 65 лит пул кутиб ётибди. Бу америка доллари ҳисобида 140 мингга тенг бўлар экан.

Ўйинда антиқа ҳодисалар ҳам учраб турибди. 100 минг доллар ютган шахс ҳали ҳам ўз ютуғини олиб кетгани йўқ. Мутасаддиларнинг ўйича, лотерея соҳиби паттани йўқотиб қўйиб, ўз ёғига ўзи қоврилиб юрибди.

ТИНИБ-ТИНЧИМАГАН ОДАМЛАР

Ҳиндистоннинг Жайпур шаҳри фуқароси Рам Сингх Чаухан Рожастон штатида жуда машҳур. Машҳурлик боиси: унинг мўйлови узунлиги 1 метру 95 сантиметр. Ва ўз штатида унга тенг келадиган шопмўйлов ҳозирча топилмай турибди. Бироқ, Чауханнинг кўнгли ҳали ҳам тўлмаяпти. У мўйловини янада узайтириш пайида. Чунки, Чауханнинг рақиби, Уттар-Прадеш штатилик Рам Чандра Теварининг мўйлови 2 метру 10 сантиметрдир.

ҚУЙНИДАН ҚЎНЖИГА ТЎКИЛДИ

Курган вилояти қишлоқ хўжалик академияси ертўласида 20 литрлик идишда жойлашган олтингугурт кислотаси эҳтиётсизлик натижасида батамом тўкилиб битди. Кўрилган қатъий чоралар натижасида, мазкур заҳарнинг дамини қирқишга эришилди. Бироқ, шуниси аҳамиятлики, академиядагилар ушбу аянчли воқеадан сўнг, ертўладаги сичқон балосидан узил-кесил қутулишди.

ана шунақа гаплар

Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси бошлиғи Жамшид Каримович Юсуповга онаси Кимё ЮСУПОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ма'рифат
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ.

Руйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Нашрга тайёрловчилар: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Луқмон БУРИЕВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0713.Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.